O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 1 октябрь, № 191-192 (4854-4855) Пайшанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ИТАЛИЯНИНГ МИЛАН ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН БОКС БЎЙИЧА XV ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТГАН ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИНИНГ БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бокс бўйича жаҳон биринчилигида юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб, мардлик ва жасорат намунасини намоён этгани, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, ёш авлодни жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, ўзбек бокс мактаби анъаналарини янада юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон ифтихори»

Атоев Аббос Абдураззоқович — Бухоро вилояти 2-болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи, бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

Маҳмудов Ботиржон Баҳодирович — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

Бойматов Набижон Шарипович — Қўқон шаҳридаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи

Сиддиқов Уйғун Патхиллоевич — Марказий ҳарбий спорт клубининг бокс бўлими бош мураббийи, бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи

Мамлакатимизда оммавий спортни, хусусан, боксни тарғиб қилиш йўлидаги жонкуярлиги, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишдаги салмоқли ҳиссаси ва кўп йиллик самарали фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Худойбердиев Шароф Босимович — Яккама-якка кураш бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бокс бўлими бош мураббийи, бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Муҳамедов Олим Музафарович — Бухоро вилояти махсус спорт мактаб-интернатининг бокс бўйича мураббийи, бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси катта мураббийи

Расулов Элшод Юнусович — Марказий ҳарбий спорт клуби спортчи-хизматчиси, бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«Дўстлик» ордени билан

Абдуллаев Алишер Расулович — Андижон Олимпия захиралари спорт коллежининг бокс бўйича мураббийи

Жалолов Абдувоҳид Ваҳобжонович — Андижон Олимпия захиралари спорт коллежининг бокс бўйича мураббийи

Султонов Баҳодиржон Марибжон ўғли — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 28 сентябрь



ЁШЛАР ЭЪТИБОР ТОПГАН ЮРТНИНГ КЕЛАЖАГИ ЁРУҒДИР

Куни кеча Юртбошимиз Ислом Каримов мамлакатимиз таълим соҳаси вакилларини қутлуғ байрам — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан чин дилдан табриклаб, самимий тилакларини билдирди. Мазмун-моҳиятига кўра дастурий аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжатни нафақат шу соҳа вакилларига, балки барча зиёлилар, кенг жамоатчилигимизга йўлланган мурожаат сифатида қабул қилиш ўринли бўлур эди, деб ўйлаймиз.

Маълумки, собиқ иттифоқдан бизга жуда оғир мерос қолган эди. Ўз самарасини йўқотган бошқарув тизими, мўрт ва ночор иқтисодиёт, жамият ҳаётида узоқ йиллар мобайнида ечилмасдан йиғилиб қолган муаммолар, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳалардаги пароканлик, этник можаролар, чуқур илдиз отиб, ҳаддан ташқари кучайиб кетган жиноятчилик... Бу каби иллатлар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин.

Президентимиз табригида айтилганидек, мана шундай мураккаб шароитда **«халқимиз ўз тақдирини ўз қўлига олиб, асрлар давомида орзиқиб кутган эркинлик ва озодлигини қўлга киритиб, ўз олдига ҳеч кимдан кам бўлмайдиган мустақил демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, юртимизда тинч-осойишта ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаш каби улуғ ва эзгу мақсадларни кўйиб, ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўлини танлаб олди»**.

Ана шу тараққиёт модели мамлакатимизни ривожланишнинг янги босқичига олиб чиқди ва бугунги кунда жаҳон аҳли Ўзбекистон турли соҳаларда қўлга киритаётган муваффақиятларга ҳавас кўзи билан қараётгани рост гап.

Мазкур мурожаатномада яна бир фикр алоҳида таъкидланади: **«Бугун, дунё миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз чуқурлашиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолишга эришаётганимиз негизида айнан таълим-тарбия соҳасида амалга оширган ишларимиз мустаҳкам пойдевор бўлиб турганини кўриш, англаш қийин эмас»**.

Дарҳақиқат, юртимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиб, бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида дунё миқёсида ноёб ва бетакрор модель сифатида эътироф этилган, миллий таълим тизимига асос бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилди. Сўнгра унинг мантиқий давоми сифатида Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури қабул қилинди. Ҳозирги вақтда ижроси якунига етказилиб, деярли тўла ҳажмда амалга оширилган бу улкан дастурлар асосида бажарилган ишларнинг аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди.

Ҳолбуки, бу дастурлар бўйича иш бошланган дастлабки кезлар мамлакатимиз учун, унинг эндигина оёққа тураётган иқтисодиёти учун осон даврлар эмасди. Шуни ҳам айтиш жоизки, бутун дунё миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз тобора чуқурлашиб бораётган бугунги мураккаб вазиятда ҳам юртимизда ижтимоий, жумладан, таълим соҳасидаги ислоҳотлар оғишмай, изчил давом эттирилаётгани, ҳақиқатан ҳам, буюк аждодларимизнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот масаласидир» деган чуқур маъноли сўзлари қалбимизга жо бўлиб, халқимизнинг ҳаёт мазмунига айланганининг яна бир далолатидир.

(Давоми 5-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Электр энергетикаси тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 24 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 28 августда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади электр энергетикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Электр энергетикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Электр энергетикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг электр энергетикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

электр энергетикаси — электр энергиясини ҳосил қилиш, узатиш, тақсимлаш, сотиш ва истеъмол қилиш соҳаси;

ягона электр энергетикаси тизими — электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналар, магистраль электр тармоқлари, ҳудудий электр тармоқлари мажмуи ва уларнинг тезкор-диспетчерлик бошқаруви;

электр энергетикаси объектлари — электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналар, шунингдек электр тармоғи хўжалиги объектлари;

электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналар — ягона электр энергетикаси тизимига уланган стационар электр станциялари (иссиқлик электр станциялари, иссиқлик электр марказлари, гидроэлектростанциялар, шунингдек қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланадиган бошқа электр станциялари);

электр тармоғи хўжалиги объектлари — электр энергиясини узатишни амалга ошириш учун мўлжалланган электр узатиш линиялари, трансформатор подстанциялари, тақсимлаш пунктлари;

магистраль электр тармоқлари — электр энергиясининг минтақалараро ва (ёки) давлатлараро узатилишини таъминлаш учун фойдаланиладиган электр тармоғи хўжалиги объектлари мажмуи;

ҳудудий электр тармоғи — тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудуди доирасидаги электр тармоғи хўжалиги объектлари мажмуи;

тезкор-диспетчерлик бошқаруви — электр энергетикаси объектларининг технологик жиҳатдан ўзаро уйғун ишлашини ва ягона электр энергетикаси тизими ишлаб туришининг технологик режимини марказлаштирилган тарзда узлуксиз бошқариш жараёни;

электр энергияси — бир вақтнинг ўзида ҳосил қилиниши ва истеъмол қилиниши билан тавсифланадиган алоҳида турдаги товар;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 24 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 28 августда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ёнғин — одамларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига, шунингдек атроф табиий муҳитга зарар етказадиган, назорат қилиб бўлмайдиган ёниш;

ёнғин назорати — ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини текшириш ва текширув натижалари бўйича чора-тадбирлар кўриш мақсадида белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолият;

ёнғинлар профилактикаси — ёнғинлар келиб чиқиши эҳтимолини истисно этишга ва уларнинг оқибатларини камайтиришга қаратилган огоҳлантириш чора-тадбирлари мажмуи;

ёнғиндан сақлаш хизмати — одамларнинг ҳаёти ва соғлиғини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини, атроф табиий муҳитни ёнғинлардан ҳимоя қилиш, шунингдек объектларда, аҳоли пунктларида ҳамда бошқа ҳудудларда ёнғин хавфсизлигини талаб даражасида сақлаб туриш мақсадида белгиланган тартибда ташкил этилган бошқарув органлари, кучлар ва воситалар мажмуи;

ёнғин хавфсизлиги — одамларнинг, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкининг, шунингдек атроф табиий муҳитнинг ёнғинлардан ҳимояланганлиги ҳолати;

ёнғин хавфсизлиги талаблари — ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган ижтимоий ва (ёки) техник хусусиятга эга махсус шартлар;

ёнғин хавфсизлиги талабларининг бузилиши — ёнғин хавфсизлиги талабларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик;

ёнғин-техник маҳсулоти — ёнғин хавфсизлигини таъминлашга мўлжалланган махсус техник, илмий-техник ва интеллектуал маҳсулотлар, шу жумладан ёнғинни ўчириш техникаси ва асбоб-ускуналари, ёнғинни ўчириш аслаҳа-анжомлари, оловни ўчириш ва оловдан ҳимоя қилиш моддалари ҳамда материаллари, махсус алоқа ва бошқариш воситалари, электрон ҳужжатлар, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурий маҳсулотлар ва маълумотлар базалари, шунингдек ёнғинларнинг олдини олиш ҳамда уларни ўчиришнинг бошқа воситалари;

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕК БОКСИ ЖАҲОН СПОРТИ ШОҲСУПАСИДА



Мамлакатимизда мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласига энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Ушбу эзгу мақсадни амалга ошириш йўлида жисмоний тарбияни оммалаштириш, болалар спортини ривожлантириш, нафақат шаҳарларда, балки олис қишлоқ жойларида ҳам замонавий спорт иншоотларини барпо этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Барчамизга алоҳида ғурур ва ифтихор бағишлайдиган жиҳати шундаки, бундай юксак ғамхўрликлар бугун ўз меваларини бераётир. Спорт майдонларимизда маҳоратини оширган истеъдодли фарзандларимиз эндиликда турли халқаро мусобақалар, жаҳон ҳамда қитъа чемпионатлари, Олимпиада ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, Ўзбекистонимиз довруғини дунёга ёймоқдалар. Шоҳсупанинг энг юқори поғоналарини эгаллаган музаффар спортчиларимиз шарафига мадҳиямиз янграб, байроғимиз баланд кўтарилаётгани эса ғуруримизга ғурур қўшмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 1-12 сентябрь кунлари Италиянинг Милан шаҳрида бокс бўйича ўтказилган XV жаҳон чемпионатида ҳам ўзбекистонлик "чарм қўлқоп" усталари ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда яна бир карра намойиш этиб, Ватанимизга ёруғ юз билан қайтиб келишди. Мазкур нуфузли мусобақада 133 та давлатдан 554 нафар боксчи иштирок этди. Эътибор қилинг, бу бокс бўйича қатнашчилар сони жиҳатидан жаҳон чемпионатлари тарихидаги рекорд кўрсаткич ҳисобланади. Маълумотларга қараганда, Пекин Олимпиадасида ҳам ушбу спорт турида иштирокчи давлатлар сони бу қадар кўп бўлмаган. Шунинг учун ҳам барча вазн тоифасида курашлар одатдагидан кўра, муросасиз кечди.

Қувонарлиси, жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари битта олтин, битта кумуш ҳамда иккита бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида фахрли учинчи ўринни эгаллашди.

Жумладан, юртимизга олтин медални туҳфа қилган Аббос Атоев иккинчи бор жаҳон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди. Яқинда 23 ёшни қаршилаган Бухоро бокс мактаби тарбияланувчиси бундан икки йил муқаддам АҚШнинг Чикаго шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида ғолиб чиққан эди.

Аббос Атоев Милан рингларидаги дастлабки жангида ганалик Аҳмед Саракуни 16:4 ҳисобида доғда қолдирди. Иккинчи босқичда эса япониялик боксчи Кентаро Хаяши билан куч синашди. Ушбу баҳс бор-йўғи бир раунд давом этди. Гап шундаки, Аббоснинг кетма-кет берган кучли зарбаларини ўтказиб юборган кунчиқар юрт вакили нокаут ҳолатига тушиб қолди. Бу вақтда таблода 2 дақиқаю 28 сония қайд этиб турилганди. Ҳамюртимиз кейинги босқичларда Ямагучи Флорентина (Бразилия), Константин Буга (Германия), Вижендер Кумар (Ҳиндистон)ни мағлубиятга учратиб, финалга етиб келди. Сўнгги баҳсда Аббосни янада жиддий рақиб — 2008 йилги жаҳон кубоги соҳиби, арманистонлик Андраник Акопян кутиб турганди. Икки тажрибали боксчи жангида вакилимиз ҳар томонлама кучли эканлигини намойиш этиб, 9:0 ҳисобида ишончли ғалабага эришди.

Фахр

Ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари ва бошқа қатор нуфузли мусобақалар ғолиби Элшод Расулов эса кумуш, Осиё чемпиони, Афинада ўтказилган Олимпиада ўйинлари ҳамда қатор халқаро мусобақалар совриндори Баҳодир Султонов, шунингдек, бир неча халқаро турнирлар ғолиби Ботир Маҳмудов бронза медалларига эгалик қилишди.

Кеча пойтахтимиздаги "Олимпия шон-шуҳрати" музейида ғолиб спортчиларимизни шарафлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, жамоатчилик вакиллари ҳамда бир гуруҳ талаба-ёшлар иштирок этишди

Президентимизнинг Фармонига мувофиқ, бокс бўйича Италияда ўтган жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этган спортчиларимиз ва уларнинг мураббийлари Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори якунига етказилиб, деярли тўла ҳажмда амалга оширилган бу улкан дастурлар асосида бажарилган ишларнинг аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Электр энергетикаси тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

электр энергияси истеъмолчиси (истеъмолчи) — электр таъминоти шартномасига мувофиқ электр энергиясидан ишлаб чиқариш ва (ёки) маиший эҳтиёжлар учун фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс;

авария режими — электр энергетикаси объектлари ишлаши технологик параметрларининг ягона электр энергетикаси тизимининг ишончли ишлаб туриши бузилишига ва истеъмолчиларга электр энергияси етказиб берилиши чекланишига олиб келиши мумкин бўлган, йўл қўйиб бўлмайдиган тарзда бузилиши.

2-боб. Электр энергетикаси соҳасида давлат томонидан тартибга солиш

4-модда. Электр энергетикаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Электр энергетикаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг электр энергетика хавфсизлигини таъминлаш;

ягона электр энергетикаси тизимининг хавфсиз ва ишончли ишлаб туришини таъминлаш, истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш;

истеъмолчиларнинг ҳудудий электр тармоқларидан тенг фойдаланишини таъминлаш;

энергия ҳосил қилувчи қувватларни ва электр тармоқларини реконструкция қилиш, модернизациялаш, ривожлантириш жараёнларига инвестициялар жалб қилиш;

электр энергиясини ҳосил қилиш, узатиш ва сотиш бўйича бошқарув ҳамда хўжалик алоқалари тизимига бозор принциплари ва механизмларини жорий этиш;

электр энергетикасининг мутаносиб ривожланишини таъминлаш;

электр энергиясидан ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш.

5-модда. Электр энергетикаси соҳасида давлат томонидан тартибга солишни амалга оширувчи органлар

Электр энергетикаси соҳасида давлат томонидан тартибга солишни қуйидагилар ўз ваколатлари доирасида амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

қонун ҳужжатларида белгиланадиган электр энергетикаси соҳасидаги махсус ваколатли орган;

қонун ҳужжатларида белгиланадиган электр энергетикаси соҳасидаги давлат назорати органи;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг электр энергетикаси соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

электр энергетикасини ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилишини ташкил этади ва уларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

электр энергетикаси соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий принциплари ва устувор йўналишлари рўёбга чиқарилишини амалга оширади;

электр энергиясини ҳосил қилиш ва унинг истеъмоли балансини шакллантиради;

электр энергетикаси объектларини молиялаштириш, қуриш, ишга тушириш ва фойдаланишдан чиқариш тартибини белгилайди;

қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр энергиясини ҳосил қилишга доир лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилишига кўмаклашади;

ягона электр энергетикаси тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ҳосил қилинишини лицензиялашни амалга оширади;

Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7-модда. Электр энергетикаси соҳасидаги махсус ваколатли орган

Электр энергетикаси соҳасидаги махсус ваколатли орган:

ягона электр энергетикаси тизимининг хавфсиз ва ишончли ишлаб туришини ҳамда истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжлари қаноатлантирилишини таъминлайди;

электр энергетикасини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқади;

электр энергиясини ҳосил қилиш ва унинг истеъмоли балансини шакллантиришда иштирок этади ҳамда электр энергияси тарифлари юзасидан таклифлар киритади;

ягона электр энергетикаси тизимининг ишлаб туриши режимини белгилайди;

магистраль электр тармоқларини бошқаради;

энергия ҳосил қилувчи қувватларни ва электр тармоқларини реконструкция қилиш, модернизациялаш, ривожлантириш тадбирларини амалга оширади;

ягона электр энергетикаси тизимининг тизим оператори (бундан буён матнда тизим оператори деб юритилади), электр энергиясининг ягона харид қилувчиси, магистраль электр тармоқлари корхонаси фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

электр энергетикаси соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

юридик шахсларнинг электр энергетикаси объектларидан фойдаланишни ташкил этиши устидан техник ва технологик назоратни амалга оширади;

электр энергетикаси соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ишларини мувофиқлаштиради;

электр энергетикаси соҳасидаги синов лабораторияларининг ишларини ташкил этади;

электр энергетикаси объектларидаги илмий тадқиқот, созлаш, таъмирлаш ва муҳандислик-лойиҳа ишларини мувофиқлаштиради;

электр энергияси ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш чора-тадбирларининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этади;

электр энергетикаси соҳасида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникасига доир ишлар мувофиқлаштирилишини амалга оширади.

Электр энергетикаси соҳасидаги махсус ваколатли орган қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Электр энергетикаси соҳасидаги давлат назорати органининг ваколатлари

Электр энергетикаси соҳасидаги давлат назорати органи:

электр энергетикаси соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

электр энергиясини ҳосил қилиш, узатиш ва истеъмол қилишда хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирларининг рўёбга чиқарилиши, шунингдек ундан оқилона фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади;

энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказишни лицензиялашни амалга оширади.

Электр энергетикаси соҳасидаги давлат назорати органи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг электр энергетикаси соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

электр энергетикасини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

электр энергетикаси объектларини жойлаштириш тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарорлар қабул қилади;

келгуси йил учун ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан тақдим этилган электр энергияси истеъмоли ҳажмларини келишиб олади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тезкор-диспетчерлик бошқарувига, шунингдек электр энергиясини ҳосил қилиш, узатиш ва тақсимлашга аралашишга ҳақли эмас.

3-боб. Электр энергиясини ҳосил қилиш

10-модда. Электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналар

Электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналар электр энергиясини ишлаб чиқаришда хавфсизликни таъминлаши ва магистраль электр тармоқларига сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мос бўлган электр энергиясини етказиб бериши шарт.

Ягона электр энергетикаси тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергиясини ҳосил қилиш фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензияланиши керак.

Ягона электр энергетикаси тизимига уланган иссиқлик электр станциялари, иссиқлик электр марказлари, шунингдек қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланадиган электр станциялари давлат мулки ёки хусусий мулк бўлиши мумкин. Ягона электр энергетикаси тизимига уланган гидроэлектростанциялар давлат мулкидир.

11-модда. Электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналарнинг ягона электр энергетикаси тизимига уланиши

Электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналарнинг ягона электр энергетикаси тизимига уланиши белгиланган тартибда амалга оширилади.

12-модда. Ўзи фойдаланиши учун электр энергиясини ҳосил қилиш

Юридик ва жисмоний шахслар ўзи фойдаланиши учун электр энергиясини ҳосил қилиши мумкин.

Ўзи фойдаланиши учун электр энергиясини ҳосил қилиш фаолияти лицензияланмайди.

Ўзи фойдаланиши учун электр энергиясини ҳосил қилувчи юридик ва жисмоний шахсларга электр энергиясини ҳосил қилувчи электр қурилмаларини ҳудудий электр тармоғига улаш тақиқланади.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўзи фойдаланиши учун ҳосил қилинган электр энергиясини бошқа юридик ва жисмоний шахсларга сотиш қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ўз электр тармоқлари орқали амалга оширилиши мумкин.

13-модда. Электр энергиясининг ягона харид қилувчиси

Электр энергиясининг ягона харид қилувчиси электр энергетикаси соҳасидаги махсус ваколатли органнинг бўлинмасидир.

Электр энергиясининг ягона харид қилувчиси:

электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналар билан электр энергиясини харид қилиш бўйича шартномалар тузади;

электр энергиясини ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига сотиш бўйича шартномалар тузади;

магистраль электр тармоқлари корхонаси билан электр энергияси ҳосил қилувчи корхоналардан ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига электр энергиясини узатиш бўйича шартнома тузади;

ягона электр энергетикаси тизимида электр энергиясини ҳосил қилиш ва узатиш самарадорлиги мониторингини амалга оширади;

электр энергиясини ҳосил қилиш ва унинг истеъмоли балансини шакллантиришда белгиланган тартибда иштирок этади.

Электр энергиясининг ягона харид қилувчиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа фаолиятни ҳам амалга ошириши мумкин.

4-боб. Электр энергиясини узатиш

14-модда. Магистраль электр тармоқлари

Электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналардан ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига электр энергиясини узатиш, шунингдек бошқа давлатларнинг электр энергетикаси тизимлари билан ҳамкорлик магистраль электр тармоқлари орқали амалга оширилади.

Магистраль электр тармоқлари магистраль электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғи хўжалиги объектларидан ҳамда юридик шахсларнинг магистраль электр тармоқлари сифатида фойдаланиладиган электр тармоғи хўжалиги объектларидан иборатдир.

15-модда. Магистраль электр тармоқлари корхонаси

Магистраль электр тармоқлари корхонаси:

электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналардан ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига электр энергиясини узатишни, шунингдек бошқа давлатларнинг электр энергетикаси тизимлари билан ҳамкорликни амалга оширади;

электр энергиясини магистраль электр тармоқлари орқали узатишда хавфсизликни таъминлайди;

ўз электр тармоғи хўжалиги объектларида электр энергиясининг давлат стандартларида белгиланган сифат кўрсаткичларини сақлаб туради;

Электр станциялари ва тармоқларидан техник жиҳатдан фойдаланиш қоидаларига (бундан буён матнда Техник жиҳатдан фойдаланиш қоидалари деб юритилади) мувофиқ ўз электр тармоғи хўжалиги объектларидан фойдаланилишини ва уларнинг таъмирланишини ташкил этади;

ўз электр тармоғи хўжалиги объектларида электр энергиясининг технологик нобудгарчилигини камайтириш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Магистраль электр тармоқлари корхонаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа фаолиятни ҳам амалга ошириши мумкин.

Магистраль электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғи хўжалиги объектлари давлат мулкидир ва улар хусусийлаштирилмайди.

16-модда. Юридик шахсларнинг магистраль электр тармоқлари сифатида фойдаланиладиган электр тармоғи хўжалиги объектлари

Юридик шахсларнинг электр тармоғи хўжалиги объектларидан электр энергетикаси соҳасидаги махсус ваколатли органнинг қарорига кўра магистраль электр тармоқлари сифатида фойдаланилиши мумкин.

Қайси юридик шахсларнинг электр тармоғи хўжалиги объектларидан магистраль электр тармоқлари сифатида фойдаланилса, ўша юридик шахслар:

электр энергиясининг давлат стандартларида белгиланган сифат кўрсаткичларини сақлаб туриши;

Техник жиҳатдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ электр тармоғи хўжалиги объектларидан фойдаланишни ва уларни таъмирлашни амалга ошириши;

электр энергиясининг технологик нобудгарчилигини камайтириш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши шарт.

Қайси юридик шахсларнинг электр тармоғи хўжалиги объектларидан магистраль электр тармоқлари сифатида фойдаланилса, ўша юридик шахслар:

ҳудудий электр тармоқлари корхоналари билан электр энергиясини узатиш бўйича хизматлар кўрсатиш юзасидан шартномалар тузишга;

электр энергетикаси соҳасидаги махсус ваколатли органнинг рухсатисиз электр тармоғи хўжалиги объектларидан фойдаланишга ёки уларни фойдаланишдан чиқаришга ҳақли эмас.

5-боб. Электр энергиясини тақсимлаш ва сотиш

17-модда. Ҳудудий электр тармоқлари

Ҳудудий электр тармоқлари орқали электр энергиясини тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудуди доирасида магистраль электр тармоқларидан истеъмолчиларга узатиш амалга оширилади.

Ҳудудий электр тармоқларининг электр тармоғи хўжалиги объектларини бошқаришни тегишли ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг тезкор-диспетчерлик хизматлари амалга оширади.

18-модда. Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари

Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари электр энергиясини истеъмолчиларга тақсимлаш ва сотишни амалга оширади.

Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари:

электр энергиясининг ягона харид қилувчисидан шартнома асосида электр энергиясини олади;

электр таъминоти корхоналарига истеъмолчилар билан электр таъминоти шартномалари тузиш ҳуқуқини амалга ошириш учун белгиланган тартибда бош ишончнома беради;

истеъмолчиларга электр таъминоти шартномаси асосида электр энергиясини сотишни амалга оширади;

истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб беришда хавфсизликни таъминлайди;

ўз электр тармоғи хўжалиги объектларида электр энергиясининг давлат стандартларида белгиланган сифат кўрсаткичларини сақлаб туради;

Техник жиҳатдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ ўз электр тармоғи хўжалиги объектларида электр энергиясининг технологик нобудгарчилигини камайтириш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

электр энергиясини истеъмол қилувчи электр қурилмаларини белгиланган тартибда ҳудудий электр тармоқларига улаш учун истеъмолчиларга техник шартларни беради.

Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа фаолиятни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда хусусий операторга туман, шаҳар доирасида электр энергиясини сотишнинг айрим масалаларини топшириши мумкин.

19-модда. Электр таъминоти корхоналари

Электр таъминоти корхоналари ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг электр энергиясини туман, шаҳар, ишлаб чиқариш зонаси доирасида истеъмолчиларга тақсимлаш ва сотишни амалга оширувчи бўлинмаларидир.

Электр таъминоти корхоналари:

истеъмолчининг белгиланган тартибда киритган таклифларига мувофиқ электр энергиясининг ойлик шартномавий истеъмоли ҳажмларини шакллантиради;

Техник жиҳатдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ ўз электр тармоғи хўжалиги объектларидан фойдаланилишини ва уларнинг таъмирланишини ташкил этади;

ўз электр тармоғи хўжалиги объектларида электр энергиясининг технологик нобудгарчилигини камайтириш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Электр таъминоти корхоналари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа фаолиятни ҳам амалга ошириши мумкин.

6-боб. Тезкор-диспетчерлик бошқаруви

20-модда. Тезкор-диспетчерлик бошқаруви тизими

Тезкор-диспетчерлик бошқаруви тизимига қуйидагилар киради:

тизим оператори;

электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналарнинг тезкор-диспетчерлик хизматлари;

магистраль электр тармоқлари корхонасининг тезкор-диспетчерлик хизмати;

қайси юридик шахсларнинг электр тармоғи хўжалиги объектларидан магистраль электр тармоқлари сифатида фойдаланилса, ўша юридик шахсларнинг тезкор-диспетчерлик хизматлари;

ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг тезкор-диспетчерлик хизматлари;

энергия кўп сарфланадиган ускуналардан фойдаланадиган юридик шахсларнинг тезкор-диспетчерлик хизматлари.

Тезкор-диспетчерлик бошқарувини амалга ошириш тартиби электр энергетикаси соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

21-модда. Тизим оператори

Тизим оператори ягона электр энергетикаси тизимининг ишлаб туриши технологик режимининг, магистраль электр тармоқларининг тезкор-диспетчерлик бошқарувини амалга оширади, шунингдек ягона электр энергетикаси тизимининг бошқа давлатлар электр энергетикаси тизимлари билан ҳамкорлигини таъминлайди.

Тизим операторининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ягона электр энергетикаси тизимининг ишончли ишлаб туришини таъминлаш;

электр энергиясини ҳосил қилиш ва унинг истеъмоли балансини сақлаб туриш;

авария режими юзага келишининг олдини олиш, шунингдек уни бартараф этиш;

авария режими бартараф этилганидан кейин тизимнинг ишончлилигини тиклаш.

22-модда. Тезкор-диспетчерлик хизматлари

Тезкор-диспетчерлик хизматлари тегишли электр энергетикаси объектларининг тезкор-диспетчерлик бошқарувини амалга оширади.

Тезкор-диспетчерлик хизматлари тезкор-диспетчерлик бошқарувини амалга оширишда тизим операторининг ва юқори турувчи тезкор-диспетчерлик хизматларининг кўрсатмалари ҳамда фармойишларига бўйсунади.

23-модда. Авария режимини бартараф этиш

Авария режимини бартараф этишда тизим оператори ягона электр энергетикаси тизимида мавжуд бўлган барча захира қувватларни жалб этиш, шунингдек электр энергияси истеъмолига чекловлар жорий этиш ҳуқуқига эга.

Электр энергияси истеъмолига чекловлар, биринчи навбатда, қайси истеъмолчи юридик шахсларнинг ускуналари электр энергетикаси тизими ишлаб туришининг ишончлилигига, электр энергияси сифатига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, ўша истеъмолчи юридик шахсларга нисбатан жорий этилади.

Авария режимини бартараф этишда узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнига эга бўлган, ушбу ишлаб чиқаришнинг тўхтатилиши одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилишига, ижтимоий, иқтисодий ва экологик оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган истеъмолчи юридик шахсларга нисбатан электр энергияси истеъмолини чеклаш фақат алоҳида ҳолларда ва белгиланган тартибда тизим оператори томонидан амалга оширилади.

Авария режими вужудга келганда электр энергияси истеъмолини чеклаш тартиби, шунингдек электр энергияси истеъмолига чекловлар жорий этилиши мумкин бўлган истеъмолчилар гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

7-боб. Электр энергиясини истеъмол қилиш

24-модда. Электр таъминоти шартномаси

Электр таъминоти шартномасига биноан ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки унинг электр таъминоти корхонаси истеъмолчига электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш мажбуриятини олади, истеъмолчи эса фойдаланилган электр энергияси учун ҳақни ўз вақтида тўлаш, электр энергияси истеъмол қилишнинг шартномада назарда тутилган режимига риоя этиш, ўзи фойдаланаётган электр тармоқларининг, электр энергияси истеъмоли билан боғлиқ асбоб ва ускуналарнинг лозим даражадаги техник ҳолатини ҳамда хавфсизлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

Электр таъминоти шартномасининг тарафлар учун мажбурий бўлган шартлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Электр таъминоти шартномаси юридик ёки жисмоний шахс билан у ҳудудий электр тармоғига уланиш учун зарур ускуналарга, электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларига эга бўлган, шунингдек Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари талабларини бажарган тақдирда тузилади.

25-модда. Электр таъминоти корхоналарининг мажбуриятлари

Электр таъминоти корхоналари:

электр таъминоти шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларга электр энергияси етказиб берилишини таъминлаши;

ўз электр тармоғи хўжалиги объектларида электр энергиясининг давлат стандартларида белгиланган сифат кўрсаткичларини сақлаб туриши;

электр тармоқларининг лозим даражадаги техник ҳолати ва хавфсизлигини таъминлаши;

истеъмолчилар томонидан ҳақиқатда фойдаланилган электр энергияси учун тўловлар ҳисобини юритиши;

электр тармоғи хўжалиги объектларидаги режали таъмирлаш ишлари ва авария режими муносабати билан электр энергияси етказиб беришнинг чекланиши тўғрисида истеъмолчиларни белгиланган тартибда хабардор қилиши;

истеъмолчиларнинг электр таъминоти масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқиши шарт.

Электр таъминоти корхоналари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

26-модда. Электр энергияси истеъмолчиларининг ҳуқуқлари

Электр энергияси истеъмолчилари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз электр қурилмаларини ҳудудий электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мос бўлган электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхтатилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

ўзи истеъмол қиладиган электр энергияси ҳажмларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларини ҳудудий электр тармоқлари корхонасига белгиланган тартибда киритиш;

ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки электр таъминоти корхонаси томонидан электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мос бўлмаган электр энергияси етказиб берилганлиги сабабли етказилган зарарнинг ўрни белгиланган тартибда қопланиши;

электр таъминоти шартномасини тузиш ва бажаришда юзага келадиган низоларни ҳал қилиш учун судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга мурожаат қилиш.

Электр энергияси истеъмолчилари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

27-модда. Электр энергияси истеъмолчиларининг мажбуриятлари

Электр энергияси истеъмолчилари:

электр таъминоти шартномаси шартларида белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режимига риоя этиши;

фойдаланилган электр энергияси учун ҳақни электр таъминоти шартномасида белгиланган муддатларда ўз вақтида тўлаши;

ҳудудий электр тармоқлари корхонаси вакилининг электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини текширишига йўл қўйиши;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириши;

ўзи фойдаланаётган электр тармоқлари, асбоб ва ускуналарининг лозим даражадаги техник ҳолати ҳамда хавфсизлигини таъминлаши, уларнинг носозликлари тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари корхонасига ёки электр таъминоти корхонасига хабар қилиши шарт.

Электр энергияси истеъмолчилари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

28-модда. Истеъмолчиларга электр энергияси етказиб беришни тўхтатиш

Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки унинг электр таъминоти корхонаси қуйидаги ҳолларда:

электр таъминоти шартномаси шартларида белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режими бузилганда;

ҳудудий электр тармоқларига электр қурилмалари ўзбошимчалик билан уланганда;

электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказилганда ёки ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашилганда;

фойдаланилган электр энергияси учун электр таъминоти шартномасида белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаганда истеъмолчига электр энергияси етказиб беришни белгиланган тартибда тўхтатиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки унинг электр таъминоти корхонаси истеъмолчига электр энергияси етказиб беришни қайта тиклайди.

29-модда. Электр энергиясини ҳисобга олиш

Электр энергиясини ҳисобга олиш уни ҳосил қилувчи, узатувчи, тақсимловчи ва сотувчи корхоналар, шунингдек истеъмолчи юридик шахслар томонидан мустақил равишда ташкил этилади. Электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ истеъмолчилар томонидан амалга оширилади.

8-боб. Якунловчи қоидалар

30-модда. Электр энергиясининг тарифлари

Электр энергиясини ҳосил қилиш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилишда унинг тарифлари белгиланган тартибда тасдиқланади.

31-модда. Электр энергетикаси объектларини муҳофаза қилиш

Электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналарни муҳофаза қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Электр тармоғи хўжалиги объектларининг сақланишини таъминлаш, улардан фойдаланиш учун зарур шароитлар яратиш, шунингдек мазкур объектлар шикастланишининг ва аҳоли ўртасида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида электр тармоғи хўжалиги объектларига туташ ерларда муҳофаза зоналари белгиланади. Электр тармоғи хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

32-модда. Низоларни ҳал этиш

Электр энергетикаси соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

33-модда. Электр энергетикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Электр энергетикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

34-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

35-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 30 сентябрь
№ ЎРҚ–225

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

ёнғинга қарши режим — ёнғин хавфсизлиги талаблари бузилишининг олди олинишини ва ёнғинлар ўчирилишини таъминлаш юзасидан одамларнинг хатти-ҳаракат қоидалари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва (ёки) биноларни (ҳудудларни) сақлаш тартиби;

ёнғинга қарши алоҳида режим — ёнғин хавфи юқори бўлган даврда муайян ҳудудларда қонун ҳужжатларига мувофиқ ёнғин хавфсизлигининг қўшимча талабларини белгилаш.

4-модда. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизими

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизими ёнғинларнинг олдини олиш ҳамда уларни ўчиришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техник чора-тадбирлар, шунингдек кучлар ва воситалар мажмуидан иборатдир.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизими субъектлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) ва фуқаролардир.

2-боб. Давлат органлари ва бошқа органларнинг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ёнғин хавфсизлиги соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминлайди;

ёнғин хавфсизлиги соҳасида давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

ёнғин хавфсизлиги соҳасида молиявий, моддий-техника таъминотини ва ресурслар билан таъминлашни амалга оширади;

давлат эҳтиёжлари учун ёнғин-техник маҳсулотининг номенклатурасини, уни етказиб бериш ҳажмларини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

6-модда. Ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги махсус ваколатли органнинг ваколатлари

Ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги махсус ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматидир (бундан буён матнда Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати деб юритилади).

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати:

ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлайди;

ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқади ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этади;

ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ёнғинни ўчириш техникаси ва бошқа техника воситалари билан жиҳозлаш соҳасида ягона техника сиёсатини амалга оширади;

ёнғинларни ўчиришни, ёнғин зонасида қолган одамларни ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини қутқаришни амалга оширади;

барча турдаги ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларининг ёнғинларни ўчиришга шайлиги ҳолати ва ёнғинлар профилактикасига доир ишларнинг бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилишида иштирок этади;

ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги техник регламентлар, стандартлар, нормалар, қоидалар ва бошқа норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилишида иштирок этади;

давлат ёнғин назоратини амалга оширади;

ёнғин хавфсизлиги талабларидан асосли равишда четга чиқилган ёки бундай талаблар мавжуд бўлмаган тақдирда бинолар, иншоотларни ва бошқа объектларни қуриш, капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга доир лойиҳа ҳужжатларининг ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишига тааллуқли қисмини кўриб чиқади;

қурилиш учун майдонлар (трассалар) танлаш (ажратиш) комиссиясининг, шунингдек қурилиши (реконструкцияси) тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш комиссияларининг ишида иштирок этади;

ёнғин хавфсизлиги соҳасида ёнғинга қарши тарғиботни, ўқитишни ва ахборот билан таъминлашни амалга оширади;

ёнғин хавфсизлигининг илмий-техник жиҳатдан таъминланишини мувофиқлаштиради;

ёнғин хавфсизлиги соҳасида лицензиялаш ва сертификатлаштиришни белгиланган тартибда амалга оширади;

ёнғинлар ва уларнинг оқибатлари ҳисобини юритади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар ва фуқароларга аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш ҳамда ёнғинларнинг олдини олишга доир тадбирлар ўтказиш тўғрисида ёзма кўрсатмалар беради.

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7-модда. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари (бундан буён матнда ваколатли органлар деб юритилади) ўз ваколатлари доирасида:

ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлайди;

ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этади;

ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ёнғинни ўчириш техникаси ва бошқа техника воситалари билан жиҳозлаш соҳасида ягона техника сиёсатини амалга оширади;

ёнғинларни ўчиришни, ёнғин зонасида қолган одамларни ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини қутқаришни амалга оширади;

барча турдаги ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларининг ёнғинларни ўчиришга шайлиги ҳолати ва ёнғинлар профилактикасига доир ишларнинг бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилишида иштирок этади;

ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги техник регламентлар, стандартлар, нормалар, қоидалар ва бошқа норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилишида иштирок этади;

давлат ёнғин назоратини амалга оширади;

ёнғин хавфсизлиги талабларидан асосли равишда четга чиқилган ёки бундай талаблар мавжуд бўлмаган тақдирда бинолар, иншоотларни ва бошқа объектларни қуриш, капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга доир лойиҳа ҳужжатларининг ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишига тааллуқли қисмини кўриб чиқади;

қурилиш учун майдонлар (трассалар) танлаш (ажратиш) комиссиясининг, шунингдек қурилиши (реконструкцияси) тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш комиссияларининг ишида иштирок этади;

ёнғин хавфсизлиги соҳасида ёнғинга қарши тарғиботни, ўқитишни ва ахборот билан таъминлашни амалга оширади;

ёнғин хавфсизлигининг илмий-техник жиҳатдан таъминланишини мувофиқлаштиради;

ёнғин хавфсизлиги соҳасида лицензиялаш ва сертификатлаштиришни белгиланган тартибда амалга оширади;

ёнғинлар ва уларнинг оқибатлари ҳисобини юритади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар ва фуқароларга аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш ҳамда ёнғинларнинг олдини олишга доир тадбирлар ўтказиш тўғрисида ёзма кўрсатмалар беради.

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги давлат дастурлари амалга оширилишида иштирок этади;

ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларининг бажарилишини ташкил этади;

маҳаллий бюджетларнинг ёнғин хавфсизлигига, шу жумладан ёнғиндан сақлаш хизматининг таъминоти харажатларига доир қисмининг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва ижро этилишини таъминлайди;

ёнғин ўчирувчилар деполари қурилишини амалга оширади, ёнғиндан сақлаш хизматининг маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган бўлинмаларини белгиланган тартибда сақлайди ва моддий-техника базаси билан таъминлайди;

ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан рағбатлантирилишини амалга оширади;

тегишли ҳудудда ёнғинга қарши алоҳида режим ўрнатади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлашдаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизматининг ташкил этилишига ва фаолиятига кўмаклашади;

ёнғин назоратининг амалга оширилишига кўмаклашади;

ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши устидан жамоат назоратини амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

10-модда. Ташкилотларнинг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Ташкилотлар:

ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини белгиланган тартибда ўз маблағлари ҳисобидан ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш;

тегишли органларга ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича таклифлар киритиш;

белгиланган тартибда ёнғин-техник комиссияларини ташкил этиш;

ўз ҳудудида содир бўлган ёнғинларнинг келиб чиқиш ва кучайиш (тарқалиш) сабабларини ҳамда шароитларини аниқлашга доир ишларни бажариш;

ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш чора-тадбирларини белгилаш;

белгиланган тартибда ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича ахборот олиш, шу жумладан ёнғиндан сақлаш хизматининг бошқарув органлари ва бўлинмаларидан ахборот олиш ҳуқуқига эга.

Ташкилотлар:

ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиши;

ёнғиндан сақлаш хизмати мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариши;

ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши, шунингдек уларнинг бажарилиши устидан доимий назоратни таъминлаши;

ёнғинга қарши тарғибот ўтказиши ва ўз ходимларига ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни ўргатиши;

ўзига қарашли ёнғинга қарши ҳимоя тизими ва воситаларини, ёнғинга қарши сув таъминоти манбаларини, шу жумладан ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситаларини ишга яроқли ҳолда сақлаши, улардан белгиланганидан бошқа мақсадда фойдаланилишига йўл қўймаслиги;

ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларига ёнғинларни ўчиришда, шунингдек ёнғин назорати органларига ёнғинларнинг келиб чиқиш ва кучайиш (тарқалиш) сабаблари ҳамда шароитларини аниқлашда, ёнғин хавфсизлиги талабларининг бузилишида ва ёнғинлар келиб чиқишида айбдор шахсларни топишда белгиланган тартибда кўмаклашиши;

ўз ҳудудидаги ёнғинларни ўчириш чоғида зарур кучлар ва воситаларни белгиланган тартибда бериши;

ёнғиндан сақлаш хизматининг мансабдор шахслари ўз жизмат вазифаларини бажараётганда уларнинг ўз ҳудудига, бинолар, иншоотларга ва бошқа объектларга эркин киришини таъминлаши;

ўзига қарашли объектларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолати тўғрисидаги, шу жумладан ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг ёнғин хавфлилиги ҳақидаги, шунингдек ўз ҳудудида содир бўлган ёнғинлар ва уларнинг оқибатлари тўғрисидаги маълумотларни ҳамда ҳужжатларни ёнғин назорати органлари мансабдор шахсларининг талабига кўра тақдим этиши;

келиб чиққан ёнғинлар, мавжуд ёнғинга қарши ҳимоя тизимлари ва воситаларидаги носозликлар тўғрисида, йўллар ва тор кўчаларнинг ҳолати ўзгарганлиги ҳақида ёнғиндан сақлаш хизматига дарҳол хабар қилиши;

кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизматининг фаолиятига белгиланган тартибда кўмаклашиши шарт.

Ташкилотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларнинг зиммасида бошқа мажбуриятлар бўлиши мумкин.

11-модда. Фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Фуқаролар:

ёнғин келиб чиққан тақдирда ўз соғлиғи ва мол-мулкининг ҳимоя қилиниши;

ёнғин туфайли ўзига етказилган зарарнинг ўрни белгиланган тартибда қопланиши;

ўз соғлиғига ва (ёки) мол-мулкига зарар етказган ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда шароитларини аниқлашда иштирок этиш;

ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича белгиланган тартибда ахборот олиш;

ёнғиндан сақлаш хизмати етиб келгунига қадар одамларни, мол-мулкни қутқариш ва ёнғинларни ўчириш юзасидан чоралар кўриш;

ёнғинларни ўчиришда ёнғиндан сақлаш хизматига кўмаклашиш;

ёнғин хавфсизлигини таъминлашда, шу жумладан кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Фуқаролар:

ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиши;

ёнғинни сезиб қолганда бу ҳақда ёнғиндан сақлаш хизматига дарҳол хабар қилиши;

ёнғиндан сақлаш хизмати мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариши;

ўзига қарашли ишлаб чиқариш, хўжалик биноларини, турар-жойларни ва бошқа бинолар ҳамда иморатларни белгиланган тартибда ёнғин назоратини амалга ошириш мақсадида кўздан кечириши ва текшириши учун ёнғин назорати органларининг мансабдор шахсларига имконият бериши шарт.

Фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларнинг зиммасида бошқа мажбуриятлар бўлиши мумкин.

3-боб. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш

12-модда. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ташкилотларнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятининг таркибий қисмидир. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар мансаб йўриқномаларида ва бошқа йўриқномаларда, зарур ҳолларда эса тегишли шартномаларда акс эттирилиши керак.

Ташкилотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, агар тегишли шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, мазкур ташкилотларнинг раҳбарлари ва улар ваколат берган шахслар зиммасига юклатилади. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашга доир вазифаларнинг ваколатли шахслар зиммасига юклатилиши раҳбарларнинг зиммасидан масъулиятни соқит қилмайди.

Хусусий ва давлат уй-жой фондларининг тураржойлари ва бошқа биноларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, агар бу мулкий ижара (аренда) шартномасида кўрсатилган бўлса, мулкдорлар ёки ижарага (арендага) олувчилар зиммасига юклатилади.

Аҳоли пунктларини ривожлантириш ва уларда иморат қуришни режалаштириш, бинолар ва иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш чоғида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тегишинча шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи, буюртмачилар, иморат қурувчилар, лойиҳа ва қурилиш ташкилотлари зиммасига юклатилади.

13-модда. Ёнғин хавфсизлиги соҳасида норматив жиҳатдан тартибга солиш

Ёнғин хавфсизлиги соҳасида норматив жиҳатдан тартибга солиш ижро этилиши шарт бўлган ёнғин хавфсизлиги талабларининг ваколатли органлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек норматив ҳужжатларда белгиланишидир.

Ваколатли органлар томонидан тасдиқланадиган ёнғин хавфсизлиги талабларини ўз ичига олган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек норматив ҳужжатлар Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати билан келишиб олиниши керак.

14-модда. Ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш

Ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари ёнғин хавфсизлигини таъминлашга, шу жумладан ёнғин хавфсизлиги талабларини бажаришга доир ҳаракатлардир.

Ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ, шунингдек ёнғинларга қарши курашиш тажрибаси, моддалар, материаллар, технологик жараёнлар, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар, бинолар ва иншоотларнинг ёнғин хавфлилигига баҳо бериш асосида ишлаб чиқилади.

Моддалар, материаллар, буюмлар, конструкциялар ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар) мазкур моддалар, материаллар, буюмлар, конструкциялар ва асбоб-ускуналарнинг ёнғин хавфлилиги кўрсаткичларини, шунингдек улардан фойдаланишда қўлланиладиган ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини тегишли техник ҳужжатларда кўрсатиши керак.

Ташкилотлар, бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар учун ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда, шу жумладан улар лойиҳалаштирилаётганда ёнғинлар чоғида одамларнинг эвакуация қилинишини ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки сақлаб қолинишини таъминловчи ечимлар назарда тутилиши керак.

Аҳоли пунктлари ва бошқа ҳудудлар учун ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади.

15-модда. Ёнғинларни ўчириш

Ёнғинларни ўчириш одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ҳамда соғлиғини сақлаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини, атроф табиий муҳитни асраш ҳамда ёнғинларни бартараф этиш ҳаракатларидан иборатдир.

Ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари томонидан ёнғинларнинг ўчирилишини ташкил этиш тартибини Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати белгилайди.

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати бошқарув органлари ва бўлинмаларининг ёнғиндан сақлаш хизматининг бошқа турлари, ваколатли органлар, авария-таъмирлаш хизматлари ва ўзга хизматлар билан ёнғинларнинг ўчирилишини ташкил этишни таъминлашга доир ҳамкорлиги келишувлар билан тартибга солинади.

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмаларининг кучлари ва воситаларини фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишга жалб қилиш тартиби фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ёнғинларни ўчириш учун ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларининг кучлари ва воситаларини жалб қилишнинг минтақалараро ҳамда маҳаллий даражалардаги режалари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

Ёнғинлар тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш учун аҳоли пунктларининг телефон тармоқларида ягона рақам — 01 ўрнатилади.

Ёнғин келиб чиққанлиги тўғрисидаги хабарни олгач, Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари ёнғин жойига дарҳол жўнаб кетиши шарт.

Зарур ҳолларда, ёнғинларни ўчириш чоғида ёнғин кучайишининг (тарқалишининг) ҳамда ёнғин билан боғлиқ бўлган, одамларга, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига, атроф табиий муҳитга таҳдид солувчи хавфли омилларнинг олдини олиш учун:

ёнғинлар тарқалган (тарқалиш эҳтимоли бўлган) ва хавф келтириб чиқарадиган жойларга кириб боришга доир;

ёнғинларнинг кучайишига (тарқалишига) тўсқинлик қиладиган ва уларни бартараф этишни таъминлайдиган шароитларни яратишга доир;

ташкилотлар ва фуқароларда мавжуд бўлган алоқа, транспорт воситаларидан, асбоб-ускуналардан, ёнғинни ўчириш воситалари ва оловни ўчириш моддаларидан кейинчалик ўрни белгиланган тартибда қопланиши шарти билан фойдаланишга доир;

тегишли хизматларни жалб этган ҳолда жамоат тартибини таъминлаш, ёнғинлар ўчирилаётган жойларни қўриқлаш (шу жумладан ёнғинларнинг келиб чиқиш ва кучайиш (тарқалиш) сабабларини, шароитларини текшириш чоғида), йўл ҳаракатини тартибга солиш, эвакуация қилиш ва (ёки) ёнғин келиб чиққан жойда бошқа тадбирларни амалга оширишга доир ҳаракатлар бажарилади.

Ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари ёнғинларни ўчириш, ёнғинлар ва авариялларнинг келиб чиқиши ҳамда кучайишининг (тарқалишининг) олдини олиш билан боғлиқ зарур ишларни амалга оширишда ёнғинни ўчириш мақсади учун табиий ва сунъий сув манбаларидан сув билан бепул таъминланади.

Асосли таваккалчилик доирасида ҳаракат қилган Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг шахсий таркиби ва ёнғинни ўчиришда қатнашган бошқа иштирокчилар етказилган зарарнинг ўрнини қоплашдан озод қилинади.

16-модда. Ёнғинни ўчиришга раҳбарлик қилиш

Ёнғинни ўчиришга раҳбарлик қилиш ёнғин жойига етиб келган ёнғиндан сақлаш хизматининг катта тезкор мансабдор шахси (бундан буён матнда ёнғинни ўчириш раҳбари деб юритилади) томонидан амалга оширилади, у ёнғинни ўчириш ҳаракатларини бажаришда иштирок этаётган ёнғиндан сақлаш хизматининг шахсий таркибини, шунингдек ёнғинни ўчиришга жалб этилган кучлар ва воситаларни яккабошчилик принципи асосида бошқаради.

Ёнғинни ўчириш раҳбари вазифаларнинг бажарилиши, ёнғинни ўчириш ҳаракатларини бажаришда иштирок этаётган ёнғиндан сақлаш хизмати шахсий таркибининг ҳамда ёнғинни ўчиришга жалб этилган кучлар ва воситаларнинг хавфсизлиги учун жавоб беради.

Ёнғинни ўчириш раҳбари ёнғинни ўчириш ҳаракатлари амалга оширилаётган ҳудуд чегараларини, мазкур ҳаракатларни бажаришнинг тартибини ва ўзига хос жиҳатларини белгилайди, шунингдек ёнғин чоғида одамларни, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини қутқариш бўйича қарорлар қабул қилади. Зарур ҳолларда, ёнғинни ўчириш раҳбари бошқа қарорлар, шу жумладан ёнғинни ўчириш ҳаракатлари амалга оширилаётган ҳудуддаги юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган қарорлар қабул қилишга ҳақли.

Ёнғинни ўчириш раҳбарининг кўрсатмалари ёнғинни ўчириш ҳаракатлари амалга оширилаётган ҳудуддаги барча ташкилотлар ва фуқароларнинг ижро этиши учун мажбурийдир.

Ёнғин ўчирилаётганда ёнғинни ўчириш раҳбарининг ҳаракатларига аралашишга ёки унинг фармойишларини бекор қилишга ҳеч ким ҳақли эмас.

17-модда. Ёнғин хавфсизлиги соҳасида ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш

Ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ишлар ва хизматлар ёнғин хавфсизлиги талабларини амалга ошириш, шунингдек ёнғинлар профилактикасини таъминлаш ва ёнғинларни ўчириш мақсадида бажарилади ҳамда кўрсатилади. Ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ишлар ва хизматлар жумласига қуйидагилар киради:

ёнғин хавфсизлиги соҳаси мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш;

аҳолига ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни ўргатиш;

ёнғинга қарши тарғибот ишларини амалга ошириш;

илмий-техник маслаҳатлар бериш ва экспертизалар ўтказиш;

ташкилотларни, аҳоли пунктлари ва бошқа ҳудудларни ёнғинлардан муҳофаза қилиш;

ёнғин-техник маҳсулотини ишлаб чиқариш, синовдан ўтказиш, харид қилиш ва етказиб бериш;

моддалар, материаллар, буюмлар, конструкциялар ва асбоб-ускуналарни ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан синовдан ўтказиш;

лойиҳа, тадқиқот ишларини бажариш;

оловдан ҳимоя қилиш ва печ-мўрикон ишларини бажариш;

ёнғинга қарши ҳимоя тизимлари ва воситаларини монтаж қилиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш;

ёнғинга қарши аслаҳа-анжомларни, ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситаларини таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш, оловни ўчириш моддаларининг сифатини тиклаш.

Ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ишлар ва хизматлар жумласига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ишлар ва хизматлар ҳам киритилиши мумкин.

18-модда. Ёнғинга қарши тарғибот ва ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни ўргатиш

Ёнғинга қарши тарғибот аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда жамиятни оммавий ахборот воситалари, махсус адабиётлар ва реклама маҳсулотларини нашр этиш ҳамда тарқатиш, муайян мавзуга бағишланган кўргазмалар, кўриклар, конференциялар ўтказиш ва аҳолини хабардор қилишнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа шаклларидан фойдаланиш орқали ёнғин хавфсизлиги муаммолари ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш йўллари ҳақида хабардор қилишдир.

Ёнғинга қарши тарғиботни ёнғиндан сақлаш хизмати, шунингдек ёнғиндан сақлаш хизмати кўмагида ваколатли органлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар ва фуқаролар ўтказади.

Ташкилотларнинг ходимларига ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни ўргатиш иш берувчилар (маъмурият, мулкдорлар) томонидан ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ, тегишли ваколатли органлар ва Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати билан келишилган махсус дастурлар бўйича олиб борилади.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларга ва бошқа таълим муассасаларида таълим олаётган шахсларга ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни мажбурий тарзда ўргатиш мазкур муассасалар томонидан тегишли ваколатли органлар тасдиқлаган ва Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати билан келишилган махсус дастурлар бўйича амалга оширилади.

Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида болаларга ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни ўргатиш, уларни касбга йўналтириш, ёнғинга қарши тарғибот тизимини такомиллаштириш ҳамда ёнғинларнинг олдини олишга ва ёнғин чоғида тўғри ҳаракат қила билишга қаратилган бошқа вазифаларни амалга ошириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ ёш ёнғин ўчирувчилар дружиналари ташкил этилиши мумкин.

19-модда. Ёнғин хавфсизлиги соҳасида ахборот билан таъминлаш

Ваколатли органлар ёнғин хавфсизлиги учун ноқулай шароитлар тўғрисида ўз ваколатлари доирасида Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматини дарҳол ва бепул асосда хабардор қилиши шарт.

Фаолияти тўлиқ ёки қисман Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган оммавий ахборот воситалари ёнғин хавфсизлиги масалаларига доир тезкор ахборотни бепул асосда эълон қилиши шарт.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёнғин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қабул қилган қарорлари ҳақида аҳолини хабардор қилиши шарт.

20-модда. Ёнғинларни ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш

Ёнғинларни ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш, шунингдек ёнғинларга доир ахборотни тўплаш ҳамда ўзаро алмашиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

21-модда. Ёнғинга қарши алоҳида режим

Ёнғин хавфи юқори бўлганда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан тегишли ҳудудларда ёнғинга қарши алоҳида режим ўрнатилиши мумкин.

Ёнғинга қарши алоҳида режимнинг амал қилиши даврида тегишли ҳудудларда ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ёнғин хавфсизлигига оид қўшимча талаблар белгиланади.

22-модда. Ёнғин хавфсизлигини илмий-техник жиҳатдан таъминлаш

Ёнғин хавфсизлигини илмий-техник жиҳатдан таъминлашни илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик, лойиҳа ташкилотлари ва бошқа илмий-техник ташкилотлар, шунингдек тегишли таълим муассасалари амалга оширади.

Ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги илмий-техник ишланмаларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, ташкилотларнинг маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Ёнғин хавфсизлигини илмий-техник жиҳатдан таъминлашни мувофиқлаштириш Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати томонидан амалга оширилади.

Ташкилотлар янги технологиялар ва маҳсулотлар яратилишида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида зарур илмий-техник ишланмалар амалга оширилишини таъминлайди.

23-модда. Ёнғин-техник маҳсулотини ишлаб чиқариш

Ёнғин-техник маҳсулоти давлат буюртмаси асосида, шунингдек тадбиркорлик фаолияти тартибида ишлаб чиқарилади.

Ёнғин-техник маҳсулотини ишлаб чиқариш белгиланган тартибда амалга оширилади.

24-модда. Ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш

Ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

25-модда. Ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш

Ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар ва хизматларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги маҳсулотлар ва хизматларнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш учун улар ташкилотлар ҳамда фуқаролар ташаббусига кўра ихтиёрий сертификатлаштиришдан ўтказилиши мумкин.

4-боб. Ёнғиндан сақлаш хизмати

26-модда. Ёнғиндан сақлаш хизматининг асосий вазифалари

Ёнғиндан сақлаш хизматининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ёнғинлар профилактикасини ўтказиш ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш;

ёнғинларни ўчириш, ёнғин зонасида қолган одамларни ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини қутқариш.

Ёнғиндан сақлаш хизмати кучлари ва воситаларининг ёнғинлар профилактикаси ҳамда ёнғинларни ўчириш билан боғлиқ бўлмаган ишларни бажаришга жалб қилинишига, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, йўл қўйилмайди.

27-модда. Ёнғиндан сақлаш хизматининг турлари

Ёнғиндан сақлаш хизмати давлат, идоравий ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизматларига бўлинади.

28-модда. Давлат ёнғиндан сақлаш хизмати

Давлат ёнғиндан сақлаш хизмати ёнғиндан сақлаш хизматининг асосий туридир ва у Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати томонидан амалга оширилади.

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг бўлинмалари туманлар, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида, ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объект

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида

(Давоми. Боши 1; 3-бетларда).

29-модда. Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг шахсий таркиби

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг шахсий таркиби тегишли штат лавозимларида турган:

сафдорлар, сержантлар ва офицерлар таркибидан бўлган шахсларни (ходимларни);

махсус унвонга эга бўлмаган шахсларни (хизматчиларни) ўз ичига олади.

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг ходимларига нисбатан ички ишлар органларида хизматни ўташни тартибга солувчи низомлар амал қилади.

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг хизматчиларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган қоидалар амал қилади.

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг шахсий таркиби белгиланган намунадаги хизмат кийимига ва фарқлаш белгиларига эга бўлади.

30-модда. Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати шахсий таркибини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирлари

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати шахсий таркибининг ҳаёти ва соғлиғи давлат ҳимоясидадир ҳамда белгиланган тартибда давлат томонидан мажбурий суғурта қилиниши лозим.

31-модда. Идоравий ёнғиндан сақлаш хизмати

Идоравий ёнғиндан сақлаш хизмати ваколатли органларда ва ташкилотларда уларга қарашли объектларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун ташкил этилади.

Идоравий ёнғиндан сақлаш хизмати бошқарув органлари ва бўлинмаларининг фаолиятини ташкил этиш, шунингдек шахсий таркибнинг хизматни ўташ тартиби тегишли ваколатли органлар ва ташкилотлар томонидан Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати билан келишилган ҳолда белгиланади.

32-модда. Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати

Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг ташкилотларда, аҳоли пунктлари ва бошқа ҳудудларда ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини таъминлашда, ёнғинларни ўчиришда иштирок этишининг шаклидир.

Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари дружиналар ва (ёки) командалар тарзида ташкил этилади ҳамда тегишли маъмурий-ҳудудий бирликнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизимига киради.

Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

33-модда. Идоравий ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш

Идоравий ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказилиши керак.

Идоравий ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказишни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

5-боб. Ёнғин назорати

34-модда. Давлат ёнғин назорати

Давлат ёнғин назорати ваколатли органлар, ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар томонидан ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини текшириш ва текширув натижалари бўйича чора-тадбирлар кўриш мақсадида амалга ошириладиган назоратдир.

Давлат ёнғин назорати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг давлат ёнғин назорати органлари бўлган тегишли бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг объектларида, ўрмон хўжалиги ҳудудларида, кон қазилмалари ва шахта иншоотларида, портловчи материаллар ишлаб чиқарилаётганда, ташилаётганда, сақланаётганда, улардан фойдаланилаётганда ва улар утилизация қилинаётганда, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллардан фойдаланган ҳолда портлатиш ишларини олиб борувчи ташкилотларда, ҳаво, сув, темир йўл, автомобиль транспорти ҳамда электр транспортидан фойдаланилаётганда давлат ёнғин назоратини амалга ошириш тартиби Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ва тегишли ваколатли органлар ўртасидаги келишувлар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналарида ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши устидан давлат ёнғин назорати Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик ва бошқа чет эл ваколатхоналари эгаллаб турган объектларда ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши устидан давлат ёнғин назорати ушбу муассасалар расмий вакилининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали қилган ёзма мурожаати асосида давлат ёнғин назорати органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат ёнғин назорати органлари ва мансабдор шахсларининг рўйхати, вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат ёнғин назорати тўғрисидаги низом билан белгиланади.

35-модда. Идоравий ёнғин назорати

Идоравий ёнғин назорати идоравий ёнғиндан сақлаш хизмати, шунингдек қонун ҳужжатларида ваколат берилган мансабдор шахслар томонидан идораларга қарашли ташкилотларнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилишини текшириш ва текширув натижалари бўйича чора-тадбирлар кўриш мақсадида амалга ошириладиган назоратдир.

Идораларга қарашли ташкилотларда ёнғин хавфсизлиги талаблари ёнғин келиб чиқишига ва одамларнинг хавфсизлигига таҳдид соладиган тарзда бузилганлиги аниқланган тақдирда, идоравий ёнғиндан сақлаш хизмати алоҳида ишлаб чиқаришнинг, ишлаб чиқариш участкасининг, агрегатнинг ишини, бинодан, иншоотдан, хонадан фойдаланишни, айрим турдаги ишларни бажаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

6-боб. Якунловчи қоидалар

36-модда. Ёнғиндан сақлаш хизматининг молиявий ва моддий-техника таъминоти

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати бошқарув органлари ҳамда бўлинмаларининг, бундан ташкилотлар билан тузиладиган шартномалар асосида ташкил этиладиган бўлинмалар мустасно, молиявий ва моддий-техника таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг ташкилотлар билан тузилган шартномалар асосида ташкил этилган бўлинмаларининг таъминоти мазкур ташкилотлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Идоравий ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизматининг молиявий ҳамда моддий-техника таъминоти, шунингдек шахсий таркибнинг ижтимоий кафолатлари ва компенсацияларини молиявий таъминлаш уларнинг муассислари томонидан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

37-модда. Низоларни ҳал этиш

Ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

38-модда. Ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

39-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

40-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 30 сентябрь
№ ЎРҚ—226

ЎЗБЕК БОКСИ ЖАҲОН СПОРТИ ШОҲСУПАСИДА

Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган бокс бўйича жаҳон чемпионатида юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб, мардлик ва жасорат намунасини намоён этгани, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, ёш авлодни жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, ўзбек бокс мактаби анъаналарини янада юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун бокс бўйича терма жамоамиз аъзолари ва мураббийларига Ватанимизнинг юксак мукофотлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси — "Нексия" ва "Матиз" автомобиллари топширилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ва нуфузини оширишга, ёш авлодни жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, ўзбек бокс мактаби анъаналарини янада юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун фахрий унвон ва орденлар билан тақдирланди. Маросимда Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари спортчиларга тантанали равишда топширилди.

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Шароф Худойбердиев, боксчилар Аббос Атоев, Элшод Расулов, Баҳодир Султонов ҳамда Ботир Маҳмудовга Президент совғаси — "Нексия" ва "Матиз" автомобиллари топширилди.

Тадбирда сўз олган Аббос Атоев, Элшод Расулов, Баҳодир Султонов, Ботир Маҳмудов, терма жамоа катта мураббийи Олим Муҳамедов, Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов, халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси Лайло Абдуллаева ва бошқалар юртимизда давлатимиз раҳбари бошчилигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга юксак даражада эътибор қаратилаётганини, ушбу мукофотлар ҳам бу борадаги ғамхўрликнинг яна бир ёрқин далили эканини таъкидлаб, Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Спортчиларимиз бундай ғамхўрликка жавобан келгуси мусобақаларда, жумладан, 2012 йили Лондон шаҳрида бўладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишларини билдирдилар. Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир боксчиларимизнинг юксак ғалабасидан таъсирланиб ёзган шеърини ўқиб берди:

...Биз сизга олқишдан ором тилаймиз,
Дуоси дур сочган калом тилаймиз.
Сиз юртнинг эртаси, элнинг юзисиз,
Сиз улуғ ўзбекнинг асил ўзисиз.
Йўқотган билади бир нафас ҳушни,
Зарби бўлакчадир ўзбекча муштни.

Дарҳақиқат, бугун спорт соҳаси тараққиёти учун ҳам моддий, ҳам маънавий эътибор етарли. Масалан, биргина кейинги беш йил мобайнида юртимизда Болалар спортини ривожлантириш дастури доирасида 130 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, 900 дан ортиқ спорт иншооти қуриб битказилгани ва юксак талаблар асосида жиҳозлангани бунга яққол мисол бўла олади. Миллат саломатлигини мустаҳкамлашдек эзгу ғояни мужассам этган, шахсан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган уч босқичли спорт ҳаракати — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" мусобақалари бугун бутун дунё жамоатчилиги томонидан ҳам эътироф этилмоқда. У ёшларни кураш чиниқишга ғалабага бўлган иштиёқларини оширишга даъват этмоқда.

Боксчиларимизнинг Милан шаҳридаги ғалабаси барчамизнинг ғалабамиздир. Бугун уларнинг ушбу муваффақияти турли учрашувлар, анжуманлар, ўзаро суҳбатларнинг асосий мавзуига айланган, десак муболаға бўлмайди. Қанчадан-қанча ёшлар қалбида спортга иштиёқ уйғонган бўлса ҳам ажаб эмас. Ҳатто музаффар ўғлонларимизга ҳавас қилиб, куни кеча туғилган чақалоқларга Аббос, Элшод, Баҳодир, Ботир деб исм ҳам қўйишмоқда. Бу ҳаётий ҳақиқат. Спортнинг миллатни ягона кучга айлантирувчи, кишилар онгида соғлом маънавий муҳитни, Ватанга бўлган муҳаббатни шакллантирувчи кучи ва қудрати ҳам ана шунда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Абдуллаев иштирок этди.

Шавкат ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗДАН МИННАТДОРМИЗ

Аббос АТОЕВ, "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони соҳиби.

Кетма-кет икки марта жаҳон чемпионлигига эришган биринчи ўзбек "чарм қўлқоп" устаси. Бухоро давлат университетини тамомлаган. Халқаро тоифадаги спорт устаси. 1986 йили Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги Кўлхатиб қишлоғида туғилган Аббос Атоев ўн ёшидан устози Олим Муҳамедов раҳбарлигида бокс билан шуғулланади. 2004 йилдан бери халқаро миқёсдаги мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган боксчимиз Жанубий Кореяда ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчилигида учинчи, Туркиядаги талаба-ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иккинчи, Мўғулистонда бўлган Осиё чемпионатида биринчи ўринни эгаллаган.



2007 йили АҚШда ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медаль соҳиби бўлган.

Аббос Атоев Бухоро вилоятидаги 2-болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабида мураббийлик қилади.

— Миландан келиб, тўғри онамнинг олдига бордим. "Мамлакатимиз мустақил, юртимиз тинч ва осойишта бўлмаганида, Юртбошимиз ёшларга, спортчиларга алоҳида меҳр-эътибор кўрсатмаганида, сендай оддий қишлоқ фарзанди шундай ютуқларга эриша олармидинг?" дедилар онам ва миннатдорлик сўзлари билан Президентимизни дуо қилдилар. Халқаро майдонда қўлга киритаётган ютуқларимиз, шубҳасиз, Истиқлолимиз шарофатидандир. Озодлик бизга ўз Ватанимиз шарафи учун курашиш имконини берди. Бугун дунёдаги кўплаб бокс мухлисларию мутахассислари наинки Ўзбекистонни, балки мен туғилган Кўлхатиб қишлоғини ҳам жуда яхши биладилар. Президентимиз Ислом Каримов 2007 йили АҚШда ўтказилган жаҳон чемпионатидаги ғалабам учун мени "Эл-юрт ҳурмати" ордени ва "Нексия" автомобили билан тақдирлаган эди. Ўшанда бўлажак нуфузли мусобақаларда яна шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиб, бизни шу даражага етказган Ватанимиз, Юртбошимиз ва халқимиз ишончини оқлашга сўз берган эдим. Италияда иккинчи маротаба жаҳон чемпиони бўлдим ва сўзимнинг устидан чиққанимдан бахтиёрман.



Мамлакатимизда инсонни, унинг меҳнатини қадрлашга ва муносиб рағбатлантиришга доимо катта эътибор қаратиб келинмоқда. Италияда эришган ғалабамни юксак баҳолаб, "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони ва автомобиль билан тақдирлагани учун Юртбошимиздан беҳад миннатдорман.

Элшод РАСУЛОВ, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби.

1986 йили Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида туғилган. Фарғона давлат университетини тамомлаган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи. Халқаро тоифадаги спорт устаси. Ўн беш йилдан буён тажрибали мураббий Наби Бойматовдан бокс сир-асрорларини ўрганиб келмоқда. Болалигидан катта салоҳиятга эга эканини намойиш қилиб, мамлакат миқёсидаги мусобақаларда ғалаба қозонган Элшод Расулов Ўзбекистон ўсмирлар ҳамда ёшлар терма жамоалари сафида жаҳон биринчиликларида олтин ва кумуш медалларни қўлга киритган. 2004 йилда ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, 2006 йили ҳарбий хизматчилар ўртасида жаҳон чемпиони ва Осиё ўйинлари ғолиби бўлган. 2007 ва 2009 йиллари Осиё чемпиони.

— Муҳаммадқодир Абдуллаев Олимпиада чемпиони бўлганида ва уни Президентимиз қутлаганида мен 13 ёшда эдим. Ўшанда машҳур боксчимизга чин дилдан ҳавас қилган ва мен ҳам бир кун келиб шундай ютуқларга эришсам, Ватанимизнинг жаҳон спорт майдонларидаги нуфузини янада оширишга ҳисса қўшсам, деб орзу қилган эдим. Шу боис Миландаги ютуғимни энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги ва пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишлайман. Қўшалоқ байрамимиз кенг миқёсда нишонланаётган пайтда биз Италиядаги жаҳон чемпионатининг дастлабки жангларига киришган эдик. Терма жамоадаги йигитлар билан мазкур тантаналарга муносиб совға тайёрлашга аҳд қилдик. Бу бизга катта куч ва шижоат бағишлади. Юртбошимиз Ислом Каримов ва халқимиз ишончини оқлаш учун навбатдаги жаҳон ва қитъа чемпионатларида, хусусан, 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида олтин медални қўлга киритишга ҳаракат қиламан.

Баҳодир СУЛТОНОВ, "Дўстлик" ордени соҳиби.

1985 йил 15 январда Андижон вилояти, Андижон туманида таваллуд топган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи. Халқаро тоифадаги спорт устаси. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси. Баҳодир Султонов Ўзбекистон терма жамоасининг энг тажрибали аъзосидир. Андижон бокс мактабининг кучли вакилига айланган Баҳодир ўн икки ёшидан бери Алишер Абдуллаевдан бокс сир-асрорларини ўрганмоқда. Ўсмирлар ва ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони. 2003 йили Таиландда ўтказилган жаҳон чемпионатида учинчи ўринни эгаллаган. Ҳиндистонда ўтган Афро-Осиё ўйинлари ғолиби. 2004 йилда Осиё чемпионатида ғалаба қозонган ва Афина Олимпиадасида ҳам шоҳсупанинг учинчи поғонасига кўтарилган. 2006 йили Осиё ўйинлари ғолиби.



— Камтарона меҳнатларимизни Ватанимизнинг юксак мукофотлари ва автомобиль билан тақдирлаган Юртбошимиздан миннатдормиз. Мамлакатимизда ўғил-қизларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароит яратилгани аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш билан бирга, истеъдодли спортчиларни тарбиялашга ҳам хизмат қилмоқда. Шу боис иқтидорли спортчиларимиз сафи тобора кенгайиб бораётир. Бугунги кунда ёшларимиз учун барча соҳаларда ўз истеъдоди ва салоҳиятини намойиш этиши, таълим олиши, спорт билан шуғулланиши учун йўл очилган. Бундай қулайликлардан унумли фойдаланиб, Ватанимиз равнақи учун хизмат қилиш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Ботир МАҲМУДОВ, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи" фахрий унвони соҳиби.

1990 йилда Андижон вилоятининг Қорасув шаҳрида туғилган. Андижон давлат университетида таҳсил олмоқда. 2006 йилда Вьетнамда ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати кумуш медали соҳиби бўлган. 2008 йили Мексикада ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаган.

— Бундай юксак унвон билан тақдирланганимдан ғоят бахтиёрман. Бу Юртбошимизнинг ёшларга қаратаётган улкан эътиборининг яна бир ёрқин ифодасидир. Мен болалигимда Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ўткирбек Ҳайдаров каби машҳур боксчилар сингари халқаро майдонларда муносиб қатнашишни орзу қилар эдим. Орзуларим рўёбга чиқаётганидан жуда хурсандман. Устозларимиз уларнинг касб байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин юракдан табриклайман. Мен каби спортчи ёшлар кўп. Биз, ёшларга яратилган шароит, кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор учун Юртбошимиздан ғоят миннатдормиз.

Шароф ХУДОЙБЕРДИЕВ, бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби.

— Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Пекин Олимпиадаси кунлари мамлакатимиз спортчилари билан учрашиб, омад тилаган эди. Биз ўшанда бу юксак ишончни оқлашни дилимизга тукқан эдик. Ўзбек бокс мактаби



доимо дунёда етакчилардан бўлиб келган. Миландаги жаҳон чемпионатида боксчиларимиз буни яна бир карра исботладилар. Нуфузли мусобақаларда ғалаба қозониш тасодифан бўлмайди. Ўзбекистон спортчилари, жумладан, "чарм қўлқоп" усталарининг муваффақиятида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда аҳолини ва, айниқса, ёш авлодни соғлом турмуш тарзига жалб қилишга, барча спорт турлари қаторида боксни ривожлантиришга, малакали кадрлар — мураббийлар, ҳакамлар ва мутахассисларни тайёрлашга, спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани бош омил бўлмоқда.

Ҳар бир мураббийнинг асосий вазифаси мамлакатимизда оммавий спортни ривожлантириш орқали ёш авлодни жисмонан ва маънан баркамол, ўз халқига, Ватанига садоқатли, мард, жасур, ўз олдига қўйган мақсадлар сари қатъият билан интилувчи инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир. Мен ҳам ана шу мақсад йўлида тажрибам, билимим ва меҳнатимни бундан кейин ҳам аямайман.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, Олим ТЎРАҚУЛОВ, ЎзА мухбирлари.

АКАЛАРИМИЗ ЖАСОРАТИ БИЗ УЧУН ИБРАТ

Ўзбек боксчиларининг улкан зафари барчамиз, айниқса, ёшларимиз қалбини ғурурга тўлдирди. Уларга ҳавас қилиб, юрагида эзгу ниятлар туғилган навқирон авлод вакиллари сафи янада кенгайди. ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлди.

Дурдона ҚОРАБОЕВА, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси, каратэ бўйича Марказий Осиё очиқ чемпионати ғолибаси, икки карра Ўзбекистон чемпиони:

— Ўзбек боксчиларининг оламшумул ғалабаси Ўзбекистон ёшлари ақл-заковат, истеъдод, маҳорат ва жасоратда ҳеч кимдан кам эмаслигини яна бир карра намоён этди. Айни чоғда бу муваффақият биз, ёшларнинг ўзимизга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлаб, янгиянги марралар сари дадил қадам ташлашимизда ҳам кўтаринки руҳ бағишлайди. Биз, Ўзбекистон ёшлари инсоннинг иқтидор ва салоҳиятини тўла намоён этиши, эзгу орзу-ниятлари рўёбга чиқиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган юртда яшаяпмиз. Президентимиз Ислом Каримов ёшларнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун доимо эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келмоқдалар. Бундай эътиборга жавобан муносиб фарзанд бўлишимиз, юртимизнинг жаҳондаги обрўсини янада юксалтиришга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз Ватан олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Боксчи акаларимнинг жасорати юрагимдаги бундай азму қарорни янада кучайтирди. Келгусида алп йигитларимиз каби Ўзбекистон номини бундан-да юксакларга кўтаришга ҳисса қўшишни ният қилдим.

Қобулжон БОБОЖОНОВ, Андижон Олимпия захиралари спорт коллежи ўқувчиси:

— Бокс бўйича Олимпиада ўйинлари чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаевга ҳавас қилиб, боксга ошно тутиндим, бора-бора ҳавасим катта мақсадга айланди. Юртимизда биз, ёшларнинг ўз истеъдодини рўёбга чиқариши, маҳоратини ошириб бориши йўлида барча шарт-шароитлар яратилгани туфайли орзу-ниятларимиз ижобат бўляпти. Бокс бўйича Ўзбекистон биринчилиги, қатор халқаро турнирлар ғолиби бўлишга эришдим. Аббос, Элшод, Ботир ва Баҳодир акаларимизнинг ғалабаси мени янада руҳлантириб юборди. Келгусида уларга ўхшаб халқаро майдонларда Ватанимиз байроғини баланд кўтариш ниятидаман. Бунинг учун устоз ва мураббийларимиз бошчилигида тинимсиз интилиб, куч ва маҳоратимни янада ошириб бораверaман.

Азизбек МУРОДОВ, Республика олимпия захиралари коллежи ўқувчиси, эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё биринчилиги совриндори:

— Халқаро майдонда ўз Ватани шарафини ҳимоя қилиш ҳар бир спортчи учун катта бахт. Ўзбекистонлик боксчилар ҳам дунёда энг кучлилардан ҳисобланади. Буни улар Италиядаги жаҳон чемпионатида яна бир карра исботладилар. Юртимизда спортни ривожлантириш ва малакали спортчиларни тарбиялаш тўғри йўлга қўйилганини инобатга олсак, жаҳон майдонларидаги ғалабаларимиз салмоғи янада ортиб бораверади.

Ислом СОТИМОВ, Фарғона Олимпия захиралари спорт коллежи ўқувчиси:

— Аббос Атоевнинг жаҳон чемпионати финалидаги жангини катта ҳаяжон билан кузатдим. Сабаби рақиб кучли ва анча тажрибали эди. Бунинг устига, чемпионликни қўлга киритишдан кўра, уни ҳимоя қилиш қийин, деб айтишади. Аммо боксчимиз баҳснинг дастлабки дақиқалариданоқ ишончли ҳаракат қилиб, рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади — яққол устунлик билан ғалабага эришди. Бундай ёрқин ғалабалар биз, ёш боксчилар учун ҳамиша ибратдир.

Муҳаммад БЕГАЛИЕВ, Республика олимпия захиралари коллежи ўқувчиси, оғир атлетикачи:

— Ватанимиз — Ўзбекистон истиқлол йилларида ҳақли равишда спорт марказига айланди. Албатта, бундай юртда яшаётган ва камол топаётган спортчилар ҳам ҳар қандай мусобақада юқори марраларга интилади. Боксчиларимизнинг жаҳон чемпионатидаги зафари мамлакатимиз спорт тарихида яна бир ёрқин саҳифа очди. Бу муваффақиятлар Ўзбекистондан яна кўплаб янги спорт юлдузлари етишиб чиқишига хизмат қилади.

Марказий сайлов комиссиясида

БИТИМЛАР ИМЗОЛАНДИ

Сайловнинг ошкора ва эркин, демократик тамойилларга мос ҳолда ўтказилишида оммавий ахборот воситалари ғоят муҳим ўрин тутади.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддаси қоидаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича Концепцияга мувофиқ, оммавий ахборот воситалари жорий, 2009 йилда ҳам сайлов жараёнини кенг ёритиб боради.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш бўйича Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, шунингдек, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан битимлар имзоланди.

Ушбу битимлар сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, мамлакатимиз ва чет эл жамоатчилигини Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича барча тадбирлардан кенг хабардор қилиш мақсадида имзоланди. Битимларда аҳоли ўртасида миллий сайлов қонунчилигини — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонунлари моддалари ҳамда сайлов жараёнини тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни сайловчилар ўртасида тушунтириш бўйича ишларни самарали ташкил этиш борасидаги чора-тадбирлар кўзда тутилган. Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини олиб боришда оммавий ахборот воситаларидан, жумладан, тенг эфир вақти ва босма майдони ажратиш орқали уларга тенг шароит яратилишига алоҳида эътибор қаратилган.

— Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик Марказий сайлов комиссияси Концепциясида ва мамлакатимиз парламенти ҳамда маҳаллий ҳокимият органларига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар календарь режасида кўзда тутилган вазифаларни бажариш мақсадида амалга оширилмоқда, — деб таъкидлади битимларни имзолаш якунларида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов. — Ҳамкорлигимизнинг асосий мақсади — барча сайловчиларга сайловда эркин иштирок этиш, сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари ва улар томонидан кўрсатиладиган номзодлар билан танишиш, сайлов куни онгли равишда овоз бериш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат. Томонлар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг марказий теле, радиоканалларида, давлат босма оммавий ахборот воситаларида ва республиканинг ахборот агентликлари орқали сайловга тайёргарликнинг бориши ва уни ўтказишга оид ахборотларни ўз вақтида тақдим этиш ва тарқатиш борасида ҳамкорлик қилади.

(ЎзА).

ЁШЛАР ЭЪТИБОР ТОПГАН ЮРТНИНГ КЕЛАЖАГИ ЁРУҒДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу ўринда алоҳида қайд этиш зарурки, таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар нафақат ёшларга, балки бутун эл-юртимизга қаратилган, жамиятимиз ҳаётини тубдан ўзгартиришга қодир ижтимоий ҳодиса – ўзига хос феноменга айланмоқда. Бунинг тасдиғини ҳозирги пайтда минг-минглаб замонавий мактаб, лицей ёки коллеж биноларида таълим-тарбия олаётган, яратилган шароитлардан баҳраманд бўлиб, ақл-заковати, қобилияти ва истеъдоди ўсиб бораётган ўқувчиларнинг фазлу камолини кўриб, ҳар қайси ота-она, ўқитувчи-мураббий ўз қалбида, юрагида фахр-ифтихор туйғусини ҳис этаётгани, ана шундай таълим масканларининг бетакрор қиёфасига мос ҳолда бутун жамиятимизнинг қиёфаси, маданий-маънавий савияси ўзгариб, юксалиб бораётгани мисолида кўриш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, бу дастурларнинг ҳаётга тўла татбиқ этилишида аҳолининг, халқимизнинг бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаётгани уларнинг чинакам умуммиллий аҳамият касб этганидан далолат беради.

Айтиш керакки, мамлакат ривожи билан боғлиқ, умуммиллий аҳамиятга молик барча устувор вазифаларнинг ҳар бири бевосита бир нуқтада туташади, яъни уларнинг тўлақонли ижро этилиши тайёрланаётган кадрларнинг билим ва малакасига, биз вояга етказаётган фарзандларнинг салоҳиятига, интеллектуал даражасига боғлиқ. Шу маънода, беш бармоқ бирлашиб мушт бўлгани сингари, кадрлар тайёрлаш сиёсати мамлакатимиз тараққиётида барча жабҳалар билан ажралмас ва чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан юритилаётган қатъий ва изчил сиёсат самараси ўлароқ, юртимизда бу борада ёшларнинг том маънода бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ёшлар эътибор топган юртнинг келажаги эса, албатта, ёруғ бўлади. Бугунги кунда гўзал ва бетакрор диёримиз, барча шаҳар ва қишлоқларимиз, маҳаллаларимизга кўрк бериб турган замонавий мактаб, лицей ёки коллежлар, олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшларимиздаги навқирон шижоатни, мақсад сари дадил интилишни кўриб кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Озод ва обод Ватанимизда миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган янги авлоднинг тобора сафимизни тўлдириб, катта ҳаётга дадил кириб келаётганини биз замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаб, турли соҳаларда ўзлигини, нималарга қодир эканини намоён этаётган, юртимиз шуҳратини дунёга таратаётган ёшларимиз тимсолида кўрамиз. Улар ҳеч кимдан кам эмаслигини ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини дастлабки қувончли натижалари билан амалда исботлаб, қалбимизга ёруғ туйғулар, эртанги кунимизга юксак ишонч бахш этмоқда.

Ахир, бундан 15-20 йил илгари бундай ютуқларни тасаввур қилиш мумкинмиди?

Ўрни келганда айтиш лозимки, бугунги кунда ҳатто айрим ривожланган давлатларда ҳам ёшлар тарбиясида, уларнинг маънавий оламида таназзул аломатлари юз кўрсатмоқда. Бизнинг юртимизда эса ёшларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол инсон бўлиб улғайиши учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда.

Инсон ҳамма вақт илм-маърифатга интилиб, қалбини, онгу шуурини нуру зиёга тўлдириб яшашни истайди. Лекин, афсуски, дунёда бу муқаддас орзуни амалга ошириш учун ҳамма вақт ҳам шароит бўлавермайди.

Бу ҳақда фикр юритганда, яқинда телевидение орқали намойиш этилган «Ҳатто Будда ҳам уятдан портлаб кетди» деб номланган фильм воқеалари эсга тушади. Бу фильмда 30 йиллик урушдан жафо чеккан Афғонистондаги жажжи бир қизалоқнинг тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. Қизча қандай қилиб бўлса ҳам мактабга боришга, илм олишга интилади. Аммо одамлар қалбида жаҳолат ҳукмрон бўлган муҳитда бу ниятни амалга ошириш ўта мушкул бўлади. Лекин қизалоқ умидсизликка тушмайди. Аввало, уйидаги бор-йўқ бойлик — икки дона тухумни бозорга олиб чиқиб, уни зоғора нонга алмаштиради. Нонни эса пулга алмашиб, ниҳоят, дафтар сотиб олади. Лекин ручкага пули етмайди. Ўйлаб ўтирмасдан, ойисининг лаб бўяйдиган суркама қаламчасини олиб, қўшни бола билан мактабга отланади. Бахтга қарши, қўшни бола борадиган мактаб ўғил болалар мактаби бўлиб чиқади. «Бу ерда қизларнинг ўтириши мумкин эмас», деб ўқитувчи уни «синф»дан ҳайдаб чиқаради.

Мурғак қиз қалбидаги азму шижоатни қарангки, у шунда ҳам умидсизликка тушмай, икки қишлоқ наридаги қизлар мактабига йўл олади. Лекин у ерда ҳам бечоранинг омади келмайди. Ўқитувчи «Сен қаердан келдинг, бор, йўқол», деб ҳайдаб чиқаради. Ташқарида эса уни ҳар бир одам тимсолида фақат «террорчи» азоб-уқубатларини кўрганда, мамлакатимизда ҳар йили 1-синфга қадам қўядиган ўқувчиларга 12 номдаги ўқув қуроллари ва дарсликлардан иборат Президент совғаларини бериш эзгу анъана тусига киргани ҳақида ўйлаб, тинч ва озод Ватанда билим олиш қандай улуғ бахт эканини яна бир бор ҳис этиб, чин дилдан фахрланиб кетамиз.

Бошланган янги ўқув йилида ҳам юртимиздаги ўн мингга яқин мактаб беш миллион нафардан ортиқ ўқувчини ўз бағрига олди. Уларнинг қарийб беш юз минг нафарига – 1-синфга қабул қилинган барча ўқувчиларга Президентимиз совғалари тантанали равишда топширилди. Бунинг учун давлат бюджетидан 14 миллиард сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг фарзанди бўлган 647 минг ўқувчи учун давлат бюджетидан 20 миллиард сўм маблағ сарфланиб, уларга қишки иссиқ кийимлар берилди.

Биз бундай ғамхўрликка шунчалик одатланиб, кўникиб қолганмизки, матбуотимиз саҳифаларида, турли анжуманларда бундай улуғ ишларнинг моҳиятини очишни кўпда унутиб ҳам қўямиз. Ахир, бу улкан эътибор моҳиятини очиб бериш, фуқароларимизнинг онгига етказиш барчамизнинг бурчимиз эмасми!

Яқинда чет мамлакатлардан бирининг раҳбари мактабга бориб бир ўқувчига кепкасини, яна бир ўқувчига ручкасини совға қилганини хориж телеканаллари роса тарғиб этган эди. Шуларни кўриб, ўйлаб, Юртбошимиз томонидан фарзандларимизга кўрсатилаётган доимий юксак эътибор ва ғамхўрликнинг аҳамиятини кўпчилигимиз ҳали чуқур тушуниб етганимиз йўқ, деган фикрга келасиз беихтиёр.

Бугунги кунда нафақат Афғонистонда, балки жаҳоннинг яна қанчадан-қанча ҳудудларида болалар наинки ўқиш, ҳатто оддий яшаш шароитига эга бўлмасдан, оч-наҳор кун кечирмоқда. Сўнгги маълумотларга қараганда, ҳозирги вақтда жаҳон миқёсида 93 миллион нафарга яқин бола саводсиз, мактаб нималигини билмай ўсмоқда. Айни пайтда Африка ва жанубий-шарқий Осиёнинг айрим давлатларида ҳали ҳам ялангоёқ мактабга қатнаб, эски бир бўйранинг устига чўк тушганича сабоқ тинглайдиган болаларни кўплаб учратиш мумкин.

Айрим қўшни давлатларда ҳам мактаблардаги оғир шароит, дарслик ва ўқув қуролларининг етишмаслиги, тизимга замонавий технологияларнинг кириб келиши фақат орзу бўлиб қолаётгани ҳақида ўқиб, эшитиб қоламиз. Шундай давлатлар ҳам борки, 5-10 та мактаб ёки амбулатория қурса ҳам буни миллий дастур, деб оламга жар солишади.

Халқимизда «Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил», деган гап бор. Холисанилло айтганда, таълим ва тарбия соҳасида бизнинг юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни яна қайси мамлакатда кўриш мумкин?

Шу нуқтаи назардан қараганда, Президентимиз табригида алоҳида урғу берилган бир фикр, яъни, **«бутун жамиятимиз ҳаётини тубдан янгилашнинг асосий шарти ва гарови бўлмиш таълим ва тарбия масаласи келажакда ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиши шарт».**

Биз баркамол авлод, комил инсон тарбияси йўлида бошлаган ишларимизни қанчалик қийин ва машаққатли бўлмасин, изчил давом эттирганимиз туфайли ҳам бугун юзимиз ёруғ. Бу ислоҳотлар нафақат маълум бир ҳудудни, балки мамлакатимизнинг барча минтақаларини — бу шаҳар ёки қишлоқ бўладими, бориш қийин бўлган чекка ва тоғли ҳудудларимиз бўладими — тўлиқ қамраб олгани билан янада аҳамиятли.

Чинакам умуммиллий аҳамият касб этган, Ватанимизнинг янги тарихи саҳифаларидан муносиб ва мустаҳкам ўрин оладиган таълим дастурларимизда белгиланган мақсад ва вазифалар бугун тўлиқ амалга оширилмоқда. Эндиликда улардан тўғри хулосалар чиқариш ва мамлакатимиз эришаётган муваффақиятларга мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётган бу улкан ислоҳотлар моҳиятини кенг халқ оммасига етказиш, таълим тизимини янада такомиллаштириш, ўқитувчи ва мураббийларнинг машаққатли ва шарафли меҳнатини рағбатлантириш бўйича амалга ошириладиган келгуси ишларимизда Юртбошимизнинг ушбу байрам табриги, ҳеч шубҳасиз, дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

И. БЎРИБОЕВ.

«ЎЗПАХТАСАНОАТ»

УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

озод ва ҳур ўлкамизнинг барча жонкуяр ҳамда фидойи ўқитувчиларини, устозу мураббийларни қувончли шодиёна –

1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

билан чин қалбдан муборакбод этади.

Азиз устозлар, ёш авлодни маънан етук, жисмонан бақувват ҳамда ўз юртининг фидокор фарзандлари этиб тарбиялашдаги эзгу, машаққатли ва шу билан бирга, шарафли меҳнатингизга улкан омадлар тилаб қоламиз. Хонадонингизни тинчлик ва осудалик ҳеч қачон тарк этмасин.

«МИКРОКРЕДИТБАНК»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

MIKROKREDITBANK

юртимизнинг илм-маърифат сарбонларини, барча устозларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан муборакбод этади!



Ҳурматли юртдошлар!

«Микрокредитбанк» замонавий банк хизматларидан бири —

ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРДАН

фойдаланишни таклиф этади!



«Микрокредитбанк» пластик карточкалари маиший хизмат корхоналарида, меҳмонхоналарда, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида, уяли алоқа компаниялари ва ҳатто, метрополитенда тўловларни амалга ошириш, шунингдек, савдо шохобчаларидан моллар харид қилишда қулай тўлов воситасидир.

Шуни ҳам эсда тутингки, банкда пластик карточкалар орқали фаолият кўрсатадиган юқори фоизли ва жуда қулай «Хазина-карт» омонат тури мавжуд.

«Микрокредитбанк» пластик карточкалари:

- ***сизни кўп миқдордаги нақд пулни олиб юриш ташвишларидан халос этади;***
- ***ушбу банкнинг вилоятлар марказларидаги, шаҳарлар ва туманлардаги бўлинмаларида нақд пул билан ва нақд пулсиз барча ҳисоб-китобларни амалга оширишингизга имкон яратади.***

Пластик карточкалардаги пулларингиз жамғармага қўйилгани сингари тўпланади ва кўпайиб боради.

Пластик карточкадан оилангизнинг барча аъзолари фойдаланишлари мумкин.

Пластик карточкалар йўқолганда, қолдиқ маблағларингиз янгисига ўтказиб берилади.

«Микрокредитбанк» пластик карточкаларидан фойдаланинг!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

ХИЗМАТ СИФАТИДАН МИЖОЗЛАР МАМНУН

Замонавий гузару иншоотлар, шинам тураржой ва равон кўчалар, муҳташам мактабу коллеж бинолари — буларнинг барчаси бугун қишлоғу маҳаллалар кўркига кўрк қўшиб турибди. Муҳими, ҳозирда бундай қулайликлардан энг олис ва чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи юртдошларимиз ҳам баҳраманд бўлмоқдалар. Бу эса одамлар узоғини яқин, мушкулини осон этишга хизмат қилаяпти.

Ислоҳот

Шу боис айни кунда фуқароларнинг бирор эҳтиёж юзасидан туман ёки шаҳар марказига узоқ йўл босиб боришига ҳожат қолмади: уй-рўзғор учун зарур бирор маҳсулот ёки буюм харид қилмоқчимисиз, марҳамат, шундоққина қишлоқ марказида дўконлар ишлаб турибди. Ёхуд хизмат кўрсатиш, сервис шохобчасида юмушингиз борми, бунинг ҳам имкони бор. Айниқса, бугун кўчаларимизда серқатнов ҳаракатланаётган автотранспорт воситалари учун сервис хизмати кўрсатишга талаб ортиб бораётгани инобатга олиниб, жойларда шундай шохобчалар ва техник хизмат мажмуалари фаолиятини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори фаолиятимизни тубдан яхшилашга асос бўлди, — дейди "Хоразмавтотеххизмат" очиқ ҳиссадорлик жамияти раиси Б. Авазниёзов. — Айни пайтда хизмат кўрсатиш кўлами ва қамровини кенгайтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Натижада, шу йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида корхонамиз томонидан мижозларга 194551 минг сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди. Шунингдек, корхона дўконлари орқали 66620 минг сўмлик, хизмат кўрсатиш орқали жами 121236 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар сотилди. Қувонарлиси, бу кўрсаткичлар олдинги йиллардагига нисбатан анча юқори. Бинобарин, жорий йилда жамоамиз томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 2941 дона автомобиллар харидорларга етказиб берилди.

Ҳозирда "Хоразмавтотеххизмат" корхонасида 100 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг кўпчилиги моҳир усталар, техник мутахассислардан иборат. Жамоа сафига келиб қўшилаётган ёшлар эса "уста-шогирд" анъанаси асосида малака ошириб бораяптилар. Натижада, ишчи-хизматчилар ўртасида соғлом рақобат муҳити юзага келаяпти. Яқинда корхонада "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси, "Джиэм Ўзбекистон" ёпиқ акциядорлик жамияти ва "Ўзавтотеххизмат" очиқ акциядорлик бирлашмаси ҳамкорлигида ўтказилган анъанавий "Уста — 2009" республика кўрик-танловининг ҳудудий босқичи намунали тарзда ташкил этилди. Танловда усталар автомобилларнинг электр қисмлари ва двигателларини таъмирлаш шартлари бўйича мусобақалашдилар. Натижада, мутахассислар ўз маҳоратларини синовдан ўтказиш баробарида, соҳадаги янгиликлар билан танишиш, ҳамкасблари билан ўзаро тажриба алмашиш имкониятига эга бўлдилар.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фермер гузар қурди

Тўрақўрғонлик фермер Абдуллажон Парпиев хайрли ишга қўл урди. У Шовон қишлоғида ўз даромади ҳисобидан маҳалла гузари бунёд этишга ҳомийлик қилди.

Яхши хабар

Айни кунда мазкур шинам гузарда чойхона, кундалик эҳтиёж моллари дўкони, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устахонаси ва тикувчилик цехи ишлаб турибди. Ушбу мажмуанинг ишга туширилиши билан 20 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, гузарда маҳалла фуқаролар йиғини идораси ҳам жойлашган.


Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

"Росагропромснаб" МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

- **УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ**
- **5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ**
- **ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ**
- **ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари**



Маҳсулот сертификатланган.

Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор массиви, Ц-даҳаси, 6-уй. Мўлжал — «Шуҳрат» дўкони жойлашган чорраҳа.

2009 йил 12 ноябрь — **ЭЪЛОН!** — **соат 10.00 да**

ВШ-709	«Тошкент — Янгиер», икки томондан	ВШ-1061_Т	«Тошкент — Манғит», икки томондан
ВШ-715	«Бухоро — Самарқанд», икки томондан	ВШ-1082_Т	«Тошкент — Жарқўрғон», Тошкент томонидан
ВШ-718	«Бекобод — Самарқанд», икки томондан	ВШ-1094_Т	«Тошкент — Тўрткўл», икки томондан
ВШ-724	«Наманган — Қўқон», Наманган томонидан	ВШ-702-ЙТ	«Тошкент — Самарқанд», икки томондан
ВШ-745	«Тошкент — Пахтакор», Пахтакор томонидан	ВШ-725-ЙТ	«Андижон — Қўқон», икки томондан
ВШ-753	«Андижон — Наманган», икки томондан	ВШ-764-ЙТ	«Андижон — Фарғона», Фарғона томонидан
ВШ-835	«Андижон — Марғилон», Андижон томонидан	ВШ-809-ЙТ	«Навоий — Зиёдин», Навоий томонидан
ВШ-863	«Гагарин — Самарқанд», Гагарин томонидан	ВШ-851-ЙТ	«Деҳқонобод — Музработ», икки томондан
ВШ-879	«Тошкент — Хатирчи», Тошкент томонидан	ВШ-863-ЙТ	«Гагарин — Самарқанд», Гагарин томонидан
ВШ-908	«Тошкент — Боёвут», Боёвут томонидан	ВШ-870-ЙТ	«Навоий — Каттақўрғон», икки томондан
ВШ-915	«Арнасой 23 ш.х. — Жўш», икки томондан	ВШ-891-ЙТ	«Навоий — Жўш», икки томондан
ВШ-919	«Тошкент — Бахт», Тошкент томонидан	ВШ-905-ЙТ	«Ҳазорасп— Тўрткўл», Ҳазорасп томонидан
ВШ-978	«Пахтаобод — Зомин», Зомин томонидан	ВШ-972-ЙТ	«Гулистон — Дўстлик», Гулистон томонидан
ВШ-1050	«Урганч — Қарши», икки томондан	ВШ-1100-ЙТ	«Гулбулоқ — Булунғур», икки томондан
ВШ-1081	«Тошкент — Қўнғирот», Тошкент томонидан	ВШ-1122-ЙТ	«Хива — Қўнғирот», икки томондан
ВШ-1082	«Тошкент — Жарқўрғон», Тошкент томонидан		
ВШ-1098	«Навоий — Ғиждувон», Навоий томонидан		
ВШ-1108	«Тошкент — Бойсун», Тошкент томонидан		

шаҳарлараро-вилоятлараро автобус ва йўналишли такси йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади.

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарлараро йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича идоралараро комиссия.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур кўчаси, 3-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар идоралараро комиссияга тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги «Агробанк» АТБдаги 20210000300745005044 махсус ҳисоб рақами (банк коди: 00394, СТИР: 202811527, ХХТУТ: 97300)га 35 минг сўм ўтказиб, 2009 йил 7 ноябргача буюртма беришлари лозим.

Идоралараро комиссия тендер таклифларини 2009 йил 11 ноябрь соат 18.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур кўчаси, 3-уй, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги мажлислар зали.

Маълумот учун телефонлар: 241-56-27, 241-18-10.

CSP

ПП «CHIRCHIQ SHANXAY PLAST»

ПРОИЗВОДИТ

НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ

ТРУБЫ

ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1 200 мм ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ, КОМПЛЕКТУЕТ АДАПТЕРАМИ, СОЕДИНИТЕЛЯМИ, ОТВОДАМИ, ТРОЙНИКАМИ.

ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ.

Товар сертифицирован, гарантия — 5 лет, срок службы — 50 лет.

Адрес: г. Ташкент, ул. Шайхантохур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАБЗАК». Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00, моб. (+998 93) 547-49-75, (+998 90) 995-19-99. e-mail: sedou2006@yandex.ru

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР

ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ

КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

а также:

Товар сертифицирован. Форма оплаты — любая

КАФЕЛЬ

(облицовочный и напольный)

САНТЕХНИКА

(унитазы , умывальники в большом ассортименте)

ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, 402-69-89, факс 267-35-73.

Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125, внутри строительного рынка № 127.

zakamsk-group@mail.ru

O'ZDONMAHSULOT

«Ўздонмаҳсулот»
акциядорлик компанияси жамоаси
юртимиздаги барча
устоз-мураббийларни
1 октябрь —
Ўқитувчилар
ва мураббийлар куни
билан самимий
табриклайди.

Сиз азизларга келажагимиз эгалари бўлмиш
ёш авлодни ҳар томонлама етук,
билимдон ва баркамол қилиб тарбиялашдек
шарафли меҳнатингизга улкан
муваффақиятлар тилайди.

Бахт-иқбол доимий
ҳамроҳингиз бўлсин!

АРХИВЛАР МОЗИЙДАН СЎЗЛАЙДИ

Самарқандда архивлар иши ва уни такомиллаштириш ҳақида гап кетганда вилоят давлат архив иши бошқармасининг Каттақўрғон шаҳар филиали фаолияти ибрат қилиб кўрсатилади. Зеро, бу жамоа ходимларининг янгиликка интилувчанлиги, соҳанинг билимдони эканлигига ишорадир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 августдаги "Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги қарори филиал жамоаси масъулиятини янада оширди. Филиалда қарор ижросини таъминлаш борасида чора-тадбирлар белгиланиб, режа асосида иш олиб борилди. Натижада қисқа вақтда эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилди. Масалан, ўтган йили қоғоз ҳужжатларни таъмирлаш, муқовалаш ва тикиш, ўта муҳим қоғозларни аниқлаш борасида аввалги йиллардаги натижага нисбатан тўрт-беш баравар ўсишга эришилди.

Қарор ва ижро

Архивларда бошқарув ва шахсий келиб чиқиш ҳужжатларини рўйхатлаш, бошқарув ҳужжатларини қабул қилиш ҳам энг муҳим вазифалар сирасига киради. 2009 йилнинг ўтган даври мобайнида бу борада ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Бундан ташқари, филиал жамоаси миллий архив фонди ҳужжатларидан фойдаланиш борасидаги тажрибаларни оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилишга жиддий эътибор қаратишаяпти.

— Бу ерда юз мингдан ортиқ ҳужжатлар сақланади. Мавжуд ҳужжатларнинг бир қисми Каттақўрғон, Иштихон, Оқдарё туманлари ва Каттақўрғон шаҳри ўтмишидан ҳикоя қилади. Филиал компьютер жамланмаси ва бошқа керакли замонавий ускуналарга эгалиги боис зарур ҳолатларда қўшни вилоятлар, республикамизнинг барча ҳудудларига электрон сўров орқали чиқиш имкониятига эга.

Антонина Магай — вилоятдаги тажрибали архившунослардан бири. Фаолиятининг асосий қисми вилоят архив иши бошқармасида ўтган. У 2003 йилдан буён Каттақўрғонда архив ишини ривожлантиришга етакчилик қилаяпти. Айни пайтда Антонина Магай бошчилик қилаётган жамоада 16 киши меҳнат қилади. Уларнинг меҳнатсеварлиги туфайли мазкур архивда 2009 йилнинг ўтган даври мобайнида икки минг сақлов бирлигидан ортиқ ҳужжат қабул қилинди. Йил бошидан буён 12 миллион сўмликдан ортиқ пуллик хизмат кўрсатилди.

Каттақўрғон жўғрофий жиҳатдан қулай ҳудудда жойлашган. Азим Тошкентни мамлакатимизнинг шимолий ҳудудлари билан боғловчи катта автомагистрал ҳам, темир йўл ҳам шу ердан ўтади. Бу эса кўпчилик учун архив билан боғлиқ ишларини йўл-йўлакай бажариш имконини беради. Бундан англашиладики, Каттақўрғон архиви кўпчилик учун аниқ манзил. Яқин ўтмишимиз тарихидан далолат берувчи ҳужжатлар бу ерда шу пайтга қадар сарғайган саҳифаларда сақланган бўлса, эндиликда улар замонавий компьютерларга жойлаштирилган. Архив ходимларининг асосий мақсади тарих билан боғлиқ барча ҳужжатларни ўз ҳолида сақлаган ҳолда келажак авлодга етказиш, ўтмиш ва бугунни боғлашдан иборат.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.


Муҳтарам юртдошлар!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб янги

«МУРАББИЙ»

муддатли омонат турини амалиётга жорий қилди.



«МУРАББИЙ» муддатли омонатига маблағлар жисмоний шахслар томонидан миллий валютада нақд пулда **100 кун** муддатга қабул қилинади ва йиллик **32 фоиз** миқдорида даромад тўланади.



Мазкур омонат турига жалб этилган маблағларга фоиз даромадлари ҳар ойда ҳисобланади ва мижознинг биринчи талаби бўйича берилиши таъминланади.

янги

«ОЛТИН КУЗ»

буюм ютуқли омонат турини амалиётга жорий қилди.

«ОЛТИН КУЗ» омонат турига маблағлар жисмоний шахслар томонидан миллий валютада камида 50 000 (эллик минг) сўм миқдорида нақд ва нақд пулсиз равишда, йиллик **14 фоиз** миқдорида даромад тўлаш шарти билан 2009 йилнинг 16 сентябридан бошлаб 1 ноябрига қадар қабул қилинади.

Мазкур омонатга фоиз даромади тўланиши билан бирга, ютуқлар тиражи ўтказилиб, тираж якунига кўра ютуқлар тўланади. Ютуқлар тиражида 150 дона буюм ютуғи ўйналади. «ОЛТИН КУЗ» ютуқли омонати бўйича ютуқлар тиражи 2009 йил ноябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида ўтказилади.



Халқ банкида аҳоли омонатлари дахлсизлиги давлат томонидан кафолатланган!

Хизматлар лицензияланган.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН:
150-12-91.

Лиц. № 25. 2003.25.01.

МАЪРИФАТ ЗИЁСИНИ ТАРАТИБ КЕЛАЁТГАН ФИДОЙИ ИНСОНЛАРНИНГ ШАЪНИГА САМИМИЙ ТИЛАКЛАРИМИЗНИ ИЗҲОР ЭТИШ ҲАР БИРИМИЗ УЧУН ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗ

Қай бир касб соҳиби бўлишидан қатъи назар, ҳар бир инсон илк сабоқни мактабда олади, меҳридарё ўқитувчиси кўмагида оқу қорани танийди. Шу боис мактабни муқаддас даргоҳ деймиз, қўлимизга қоғоз-қалам тутқазиб, ёзув-чизувни ўргатганларни устоз, дея қадрлаймиз. Айниқса, бу шарафли касб эгаларига бўлган муносабат истиқлол йилларида тубдан ўзгарди. Президентимиз раҳнамолигида таълим соҳасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар туфайли ўқитувчи ва мураббийларимиз чин маънода қадру эъзоз топдилар.

ЭЪЗОЗ, ЭҲТИРОМ, ҒАМХЎРЛИК

туфайли юртимизда ўқитувчилик касби тобора улуғланмоқда

Мамлакатимиз раҳбарининг 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан йўллаган табригида айтилганидек: ***"Биз бошлаган ишларнинг давомчиси бўлган, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашдек ўта муҳим ва долзарб вазифа айнан сиз азизларнинг — минг-минглаб мактабларимизда, лицей ва коллежларимизда, олий ўқув юртларимизда фаолият кўрсатаётган фидойи ўқитувчи ва домлаларнинг зиммасига тушганини ва сизлар бу вазифани бутун борлиғингизни бағишлаб, катта масъулият билан адо этиб келаётганингизнинг аҳамияти ва моҳиятини бугун вақт ўтиши билан барчамиз тобора чуқур англаб етмоқдамиз".*** Дарҳақиқат, қалбидарё устозларни ардоқлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий ва айни чоғда истиқлол йилларида янгича мазмун-моҳият касб этган қадриятларидан бирига айланиб улгурди.

Таълимда изчиллик билан жорий этилаётган ислоҳотлар ўқитиш сифати ва мазмунини янада юксалтириш, янги, янада юқори поғонага олиб чиқиш мақсадига ҳамоҳангдир. Бу масъулиятли жараёнда ўқитувчиларнинг касб малакаси ва маҳорати, билим ҳамда тажрибасини ошириш катта аҳамиятга эгадир. Қолаверса, бугунги кунда педагог кадрлар меҳнатини қадрлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, модий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, касбий маҳоратини янада ошириш масаласи ҳам устувор аҳамият касб этмоқда.

Бундай эътибор ва ғамхўрлик таълимнинг барча бўғинларида ўзининг яққол ифодасини топаётир. Ва бу айни пайтда, таълим-тарбия сифатини оширишда, барча тизим педагоглари меҳнатини рағбатлантиришнинг янги, самарали механизмини жорий этишда, ёшларга билим бериш ва уларнинг маънавиятини юксалтиришда, иқтисодиёт тармоқлари учун малакали мутахассислар тайёрлашда иштирок этаётган ўқитувчи ва мураббийларнинг масъулиятини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, бугунги кунда ўқитувчиларнинг ўртача иш ҳақи барча устама ва қўшимчалар билан бирга ҳисобланганда 262 минг 957 сўмни ташкил қилиб, 2004 йилдагига нисбатан 4,1 бараварга ошди. Президентимиз Фармони билан жорий йилнинг 1 августидан иш ҳақлари яна 25 фоизга оширилгач, айни пайтда бу кўрсаткич 328 минг 696 сўмга етди. Бу ҳам юртимизда ўқитувчилик касби нечоғлик эъзозланаётганидан дарак беради.

> ***...Тили, дини ва миллатидан қатъи назар, шу табаррук заминимизда истиқомат қилаётган одамларнинг онгу тафаккури тубдан ўзгаргани, уларнинг қалбида шу азиз Ватан меники, унинг бугунги ва эртанги куни учун мен масъулман, деган дахлдорлик туйғусининг тобора кучайиб бораётгани биз бугун қураётган жамиятнинг энг мустаҳкам пойдеворидир. Ҳеч шубҳасиз, айни мана шундай фикрлашни шакллантиришда, фарзандларимизни ўз мустақил фикрига эга, она-юртига садоқатли, фидойи, ҳушёр ва сезгир инсонлар этиб тарбиялашда астойдил меҳнат қилаётган барча муаллим ва мураббийларнинг беқиёс ҳиссаси борлигини халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.***
>
> **Ислом КАРИМОВ**

— Кўп йиллардан бери таълим соҳасида ишлайман, — дейди Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Турғун Азларов. — Шайхонтохур туманидаги 40-мактаб ўз уйимдай бўлиб қолган. Бу даргоҳга бежиз меҳр қўймаганман. Президентимизга мингдан-минг раҳмат. У кишининг ташаббуси билан истиқлол йилларида таълим-тарбия соҳасига давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида эътибор тимизда ўқитувчилик касби нечоғлик эъзозланаётганидан дарак беради.

— Кўп йиллардан бери таълим соҳасида ишлайман, — дейди Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Турғун Азларов. — Шайхонтохур туманидаги 40-мактаб ўз уйимдай бўлиб қолган. Бу даргоҳга бежиз меҳр қўймаганман. Президентимизга мингдан-минг раҳмат. У кишининг ташаббуси билан истиқлол йилларида таълим-тарбия соҳасига давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида эътибор ни ана шу шарафли вазифани адо этишда фидойилик намунасини кўрсатиш, навқирон авлодга билим бериш, уни тарбиялашдек улуғвор ишга катта масъулият билан ёндашишга, изланишга ундайди. Зеро, Президентимиз алоҳида таъкидлаганларидек, ***болаларимизни миллий қадриятлар руҳида камол топтириш, биз кимларнинг, қандай буюк зотларнингворислари эканимизни фарзандларимизга етказиш, уларни аждодларимиз қолдирган улуғ ва*** фарзандларимизни миллий манфаатларимизга ёт мафкуравий тушунча ва таъсирлардан ҳимоялашни талаб этмоқда. Педагогларга кўрсатилаётган ғамхўрлик эса бизтуманидаги 56-мактаб директори Сайёра Воҳидова. — Ҳар қадамда, ҳар бир гўшада эзгу ишлар, хайрли ташаббусларга гувоҳ бўлаяпмиз.

Президентимизнинг "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини яратиш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида"ги қарори асосида умумтаълим муассасалари негизида Директор жамғармаси ташкил этилган. Мазкур жамғарма ҳисобидан илғор педагогик технология асосида таълим бераётган, синфдан ташқари машғулотларни фаол олиб бораётган, таълим-тарбия ишида жонбозлик кўрсатаётган ўқитувчиларга қўшимча ҳақ тўланмоқда. Бу таълим тизимида тамоман янгича усул эканлигини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Зотан, истиқлол йилларида таълимни ривожлантиришга давлатимизнинг салмоқли маблағи сарфланмоқда. Шу ўринда Президентимизнинг ушбу сўзларини эслаш айни муддао: ***"...Таълим учун харажатлар Давлат бюджети харажатлари умумий қийматининг қарийб ярмини ташкил этади. Бироқ мен уларни харажат эмас, келажак учун қўйилган энг самарали сармоя деб ҳисоблайман, чунки таълим даражаси ва сифати ҳар қандай давлатнинг истиқболини белгилаб берадиган муҳим омилдир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида мавжуд умумтаълим мактабларининг қарийб 90 фоизи таъмирланиб, қайта жиҳозланмоқда..."***

Энди эътибор беринг, бугунги кунда мавжуд барча мактаблар қайта таъмирланиб, жиҳозланаётганини ҳар биримиз ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Бунинг учун миллиардлаб маблағ сарфланиши барчамизга аён. Агар юртимиздаги мактаблар сони 10 мингга яқин эканлигини инобатга олсак, олиб борилаётган ишлар салмоғи нақадар улуғвор эканлигини тушуниш, ҳис қилиш қийин эмас.

Бугун ўқитувчи, мураббий эъзозда, эътиборда, ғамхўрлик оғушида. Ўқитувчи — Ўзбекистон Қаҳрамони. Ўқитувчи — унвону қатор-қатор орденлар ва медаллар соҳиби. Ўқитувчи меҳнати эъзозланаётган юртда ислоҳотлар бардавомдир. Шак-шубҳасиз, бундай эзгуликлар рўй бераётган озод ва обод мамлакатда фарзандларимиз баркамол бўлиб вояга етади, юрт янада тараққий топади.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Мамлакатимиз Президентининг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Фармони, ушбу Фармонни ҳаётга татбиқ этиш борасида қабул қилинган ҳукумат қарорлари умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фан дастурларини, дарслик ва ўқув қўлланмаларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор беришни талаб этади. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бугунги кунгача бу борада кутилган натижаларга эришилди.

УЛУҒ ДАРГОҲГА ТАЪЗИМ

Ўтган йилларда вилоятимизда 29 та янги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. 207 та мактаб биноси капитал реконструкция қилинди, 210 та мактаб мукаммал, 255 таси эса жорий таъмирланди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури педагог ходимлардан дарс самарадорлигини ошириш, ўқувчиларда Давлат таълим стандартларига тўла жавоб бера оладиган билим ва кўникмаларни шакллантириш, комил инсонни тарбиялашни талаб этади. Бу борада ҳам вилоятимиз мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги ўқувчиларнинг малакалари умумтаълим фанлари бўйича ўтказилаётган вилоят, республика ва халқаро фан олимпиадалари жараёнида яққол кўзга ташланади.

2008 йилда Тошкент шаҳрида кимё фанидан ўтказилган 42-Менделеев номидаги халқаро олимпиадада Ўзбекистоннинг 13 нафар вакили юқори ўринларни эгаллади. Уларнинг икки нафари Самарқанд вилоятидан эди. Испанияда 97 мамлакат вакиллари ўртасида бўлиб ўтган математика фани олимпиадасида Самарқанд давлат иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Диёра Салимова совринли ўринни қўлга киритди.

Бундай ютуқлар вилоятимизда иқтидорли болалар билан ишлашга алоҳида эътибор берилаётганидан далолатдир. Жорий ўқув йилининг 1 сентябридан бошлаб Пахтачи, Пастдарғом, Каттақўрғон, Қўшработ ва Жомбой туманларида ҳам ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар иш бошлади. Ёш авлодни тарбиялашдек масъулиятли ишга ўзини бағишлаган моҳир педагоглар кўпчиликни ташкил этади. Улар "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" танловида фаол қатнашиб, вилоятимизда, республикада совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Дарҳақиқат, таълим самарадорлигини оширишда ўқитувчи маҳорати муҳим мезонлардан биридир. Айнан шу мақсадга эришиш йўлида жойларда услубий кенгаш ва бирлашмаларнинг фаолиятини яхшилаш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш, кенг оммалаштиришга ҳам эътибор кучайди.

Вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ходимлари томонидан бу борада қатор ижобий ишлар олиб борилаётир. Институтда таълим тизимини, раҳбар ходимлар билан ишлаш усулларини яхши биладиган талабчан олимлар, моҳир педагоглар фаолият кўрсатмоқда. Методик хизматни такомиллаштириш борасида жойларда семинар-кенгашлар ўтказилмоқда.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар йўналишидан яна бири, бу — ўзаро ҳамкорликдир. Шу маънода, аввало, оила, мактаб, маҳалла алоқалари йўлга қўйилди. Мактабгача таълим, мактаб таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бу эса, табиийки, мамлакатимизни теран фикрли, дунёқараши кенг, ўз танлаган касбининг устаси бўлган етук мутахассис кадрлар билан таъминлашда бош омил бўлаётир.

Иброҳим РАУПОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

Рақамлар сўзлайди:

• Бугунги кунда мамлакатимизда 9769 та умумий ўрта таълим мактаби мавжуд бўлиб, уларда қарийб 500 мингга яқин ўқитувчи ва мураббийлар ёшларга сабоқ беришмоқда.

• 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига кўра, 3 миллион 12 минг ўқувчи ўринли 8500 та мактабда қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Шу жумладан, 351 та янги мактаб биноси қурилди, 2470 та мактаб биноси мукаммал таъмирланди. 3607 та мактабнинг бино ва иншоотлари мукаммал, 2072 та мактаб жорий таъмирдан чиқарилди.

БЕҚИЁС МЕҲР ОҒУШИДА

Ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, таълим тизимига эътибор қаратиш давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимизнинг бундай ғамхўрлигини теран англаш, ўғил-қизлар қалбида она-Ватанга садоқат туйғуларини шакллантиришда ўқитувчининг ўрни беқиёс.

Мен кўп йиллардан бери ўқитувчилик қиламан. Лекин ҳеч қачон ўқитувчи-мураббийларнинг бугунгидек эъзозланганига гувоҳ бўлмаганман. Давлатимиз раҳбари соҳа ходимларига йўллаган байрам табрикларида бизни энг яқин маслакдош ва кўмакчиларим, деб эъзозлаганлар. Тинч ва осойишта юртда яшаб, бундай юксак эътибордан баҳраманд бўлаётганимиз учун ҳар қанча шукрона айтсак кам. Мустақиллик иншоотлари — янги замонавий мактаб бинолари, коллеж-лицейларга қараб туриб, гапнинг очиғи, кўвончдан бошимиз кўкка етади. Беихтиёр болалик даврим ва бугунги авлодни таққослаб, мўъжиза-ку, булар, дейман ўзимга ўзим. Қолаверса, истиқлол туфайли ўқитувчилик шарафли касбга айланди. Шу соҳада фидойилик билан меҳнат қилган устозларимиз давлатимизнинг доимий эътиборида. Тиришқоқликни шиор, янгиликка интилишни ўзларига дастур қилиб олган ҳамкасбларимиз ҳар йили Президентимиз фармонига биноан мамлакатимизнинг юксак унвон ва орден-медаллари билан тақдирланмоқда. Бахтимни қарангки, куни кеча мен ҳам Юртбошимизнинг Фармонига кўра "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" деган нуфузли унвонга мушарраф бўлдим. Бундай беқиёс эъзоз ғайратимга ғайрат, кучимга куч қўшди.

Дил сўзи

Зебо РЎЗИЕВА,
Ўзбекистон халқ ўқитувчиси.
Навоий вилояти.



СУРАТДА: Наманган туманидаги 32-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Муҳайё Каримова ўқувчилар даврасида.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАР — ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИГА

Бугун юртимизда фаолият кўрсатаётган умумтаълим мактабларининг муҳташам бинолари, шинам синфхоналар, замонавий ўқув жиҳозларини кўриб, кўз қувнайди.

Ушбу ўқув масканларида ўғил-қизларнинг жаҳон андозаларига мос таълим-тарбия олиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилган.

Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги Тошлоқ маҳалласи ҳудудида жойлашган 34-умумтаълим мактаби 2005 йилда бунёд этилган. Ўқув маскани ҳовлисига қадам қўйишингиз билан ранго-ранг гуллар, мевали ва манзарали дарахтлар эътиборингизни тортади. Ҳовлидаги ихчамгина экинзорда эса картошка, помидор, резавор кўкатлар етиштирилмоқда. Бу ердаги ҳар бир ниҳол, кўчат, ўсимликлар парваришига ўқувчилар масъул. Шу орқали ўғил-қизларнинг табиатга меҳр-муҳаббатини ошириш кўзда тутилган.

Интилиш

— Билим масканимиз Осиё Тараққиёт банки томонидан эълон қилинган танловда ғолиблар қаторидан ўрин олиб, етакчи класстер мактаби мақомига эга бўлди, — дейди мактаб директори Жўракул Бозоров. — Шунга мувофиқ, мактабимиз умумий миқдори 42 миллион сўмлик ўқув-техника жиҳозлари билан таъминланди. Телевизор, рақамли фотоаппарат, замонавий мебель жиҳозлари олинди.

Яна бир қувонарли жиҳати, ушбу саъй-ҳаракатлар туфайли бу ерда масофадан туриб ўқитиш тизимини йўлга қўйиш имкони юзага келади. Масалан, истиқболда Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда туман мактаблари ўқитувчилари учун масофавий ўқув машғулотларини йўлга қўйиш мумкин. Бу эса, аввало, педагог ходимларнинг вақти ва маблағи тежалишига сабаб бўлади.

— Қишлоғимиз туман марказидан анча олисда жойлашган, — дейди маҳалла фаолларидан бири Гулнора Шамшиева. — Лекин фарзандларимиз шаҳар ва туман марказидаги энг илғор ўқув масканларидан қолишмайдиган мактабда таҳсил олишаяпти. Албатта, бу давлатимиз, Юртбошимизнинг ёш авлодга кўрсатаётган ғамхўрлиги самарасидир.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Рақамлар сўзлайди:

• Таълимнинг мазмунини белгиловчи Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг такомиллаштирилган варианти ишлаб чиқилиб, 2004-2009 йилларда босқичма-босқич тажрибасиновдан ўтказилди. Умумтаълим фанлари бўйича мавжуд Давлат таълим стандартлари янгидан таҳрир қилиниб, ўқув дастурлари модернизациялаштирилди. Қирғиз, қозоқ, тожик, туркман, қорақалпоқ тили ва адабиёти, 8-синфда рус адабиёти, 4 ва 8-синфларда меҳнат таълимининг 5 та йўналиши, 5-7 синфларда информатика фанидан Давлат таълим стандартлари янгитдан яратилди.

• Давлат дастури доирасида, шунингдек, Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси ва Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 1736 та мактабда спорт заллари қурилди ва мавжудлари таъмирланди.

• Таълим тизимидаги ислоҳотлар ўқувчиларимизнинг халқаро ҳамда республика миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиши ва ютуқларининг кўпайишига кенг имконият яратди. 2004-2009 йиллар давомида мактаб ўқувчилари томонидан 893 та олтин, 746 та кумуш, 715 та бронза медали қўлга киритилди.

«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 3 октябрь, шанба куни чиқади.

МУРАББИЙЛИК БАХТИ

Ўқувчига билим беришнинг ўзига хос сир-асрорлари бор. Ўқитувчи болалар қалбидан чуқур ўрин эгаллай олиши учун унинг фикрлаш доираси ва дунёқараши кенг бўлиши билан бирга, янгиликлардан яхши хабардор ва моҳир педагогик тажрибага эга бўлиши лозим.

Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Мамарайим Бойқулов, мана 42 йилдирки, ана шундай иш тажрибаси эвазига катта ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлиб келмоқда. У Шеробод туманидаги 33-мактабда иш бошлаган кезларидаёқ тиришқоқлиги боис ўқувчию устозлари тилига тушди.

Муаллимнинг ташаббуси билан тоғли Пошхурт қишлоғида музей ҳам ташкил этилди. Ҳозир бу ерда 150 дан ортиқ санъат асарлари, 250 дан ортиқ тарихий ўлкашунослик экспонатлари сақланмоқда.

— Илгари ўқув даргоҳимизга бирор меҳмон келса, хижолат бўлардик, — дейди Мамарайим Бойқулов. — Упайтлар нафақат қишлоқларда, ҳатто туман марказидаги билим масканларининг кўринишлари ҳам жуда хароб эди.

Президентимизнинг ёш авлодга чексиз меҳри туфайли ноҳуш манзаралар ортда қолди. Ҳозир бир-биридан кўркам, ҳашаматли, янги мактаблар қад ростламоқда. Шеробод туманида ҳам жаҳон андозалари асосида замонавий мактаб биноси барпо этилди. Касбимни жондилдан севишим, барча шарт-шароитларга эга мактаблар бир умрлик орзуим бўлганлиги боис ҳам янгисида ишлаш истагини билдирдим.



Дарвоқе, касбга муҳаббат — улуғликка йўл, дейишади. Чиндан ҳам касбидан камол топган инсонларнинг ҳаёт йўлларига назар ташласак, ўз ишига муҳаббати, эътиқоди чексизлигини кўрамиз. Устозлик шарафига эришган Мамарайим Бойқулов янги барпо этилган 66-умумий ўрта таълим мактабига раҳбарлик қилиш баробарида, изланишдан чекингани йўқ. Энг муҳими, ўқувчиларининг ҳаётдан ўз муносиб ўрнини топаётганлиги, берган билимларининг бесамар кетмаётганлигидан унинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшилмоқда.

Абди ҚОДИРОВ.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 903. 32373 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.30 Топширилди — 01.10

1 2 3 5